Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 26 декабрь 1973 йил, чоршанба ◆ № 302 (15.776). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЯРИМ АСРЛИК ЮБИЛЕЙНИ ШАРАФЛАБ

Кеча матбуотда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. 1974 йилнинг октябрь ойида нишонланадиган бу юбилей тантаналари Ўзбекистон меҳнаткашлари тақдири ва ҳаётида, Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар ҳаётида ғоят катта воқеадир. «Бошқа Совет Социалистик Республикалари каби Ўзбекистон ССРнинг барпо этилганлиги, — дейилади қарорда, — инсониятнинг ривожланишида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бевосита давоми бўлди, Владимир Ильич Ленин ва у ташкил этган Коммунистик партиянинг ўлмас ғояларининг амалда рўёбга чиққанлиги бўлди». Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилганлиги ўзбек халқининг социал-иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётида мисли кўрилмаган ниҳоятда катта воқеадир. Бу пролетар интернационализми принциплари тантана қилганлигини, голиб ленинча миллий сиёсат изчилик билан амалга оширилганлигини яққол кўрсатувчи далиллардан бири бўлди, кўп миллатли халқлар ва элатларнинг муқаддас дўстлиги, жипслиги ва монолит бирлиги тарихда биринчи бор бизнинг социалистик Ватанимизда қарор топди, эксплуататор синфларнинг ҳукмронлигига, миллий зулмга, ҳуқуқсизлик ва камситишларга абадий барҳам берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида совет халқлари тенг ҳуқуқли ягона қардошлик оиласининг аъзоси бўлган Ўзбекистон ССРнинг 50 йил ичида босиб ўтган шонли тарихий йўлига якун ясалди, ниҳоятда қисқа лекин тараққиётнинг ўсиш, юксалиш суръатлари жиҳатидан юз йилларга тенг келадиган буюк бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистон Компартиясининг фаолияти унинг ташкилий-ғоявий жиҳатдан ўсиб камол топишининг бутун тарихий жараёни, республика экономикаси ва маданиятини гуллатиб-яшнатиш соҳасидаги зўр ташкилотчилик ва раҳбарлик роли ҳар тарафлама чуқур даврма-давр илмий асослаб ва таҳлил этиб берилди. Ярим аср ичида Ўзбекистоннинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Социалистик тузум ўзбек халқини тараққиётнинг ойдин йўлига, бахт-иқбол йўлига олиб чиқди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ССРда Ленин партияси раҳбарлигида, оғамиз улуғ рус халқининг ва мамлакатдаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами, қўллаб-қувватлашлари натижасида ўзининг миқёси ҳамда аҳамияти жиҳатидан мисли кўрилмаган социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар юз берди. Ўзбек халқининг социализмга ўтиш тажрибаси жуда катта, халқаро аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда Совет Ўзбекистони биринчи даражали замонавий саноатга, юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига, илғор социалистик маданиятга эгадир. У индустриалшган-колхозлашган қудратли республикадир. У социализмнинг Шарқдаги порлаб турган юлдузи.

Ўтмишдаги иочор ва ожиз майда, ярим кустар корхоналар ўрнида қудратли, замонавий ускуналанган энг янги саноат вужудга келди. Унинг индустриал қиёфасини энергетика, химия, нефть, кўмир, газ, кон-руда, электр техника, самолётсозлик саноатлари, электрон саноати, кўп тармоқли машинасозлик саноати белгилаб бермоқда. Ҳозир республикада саноат ишлаб чиқаришнинг ўзидаги кўпроқ тармоғи бор. Бу тармоқлар 1300 тадан кўпроқ катта корхоналарни бирлаштириб турибди. Бизнинг саноатимиз ҳозирги кунда янада гуркираб ривожланмоқда. Унинг истиқболи порлоқ ва ғўзалдир. Тўқкизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили ичида республикамиз саноати катта муваффақиятларга эришди. Қаҳрамон ишчилар синфи меҳнатда юксак марраларни кўзлаб, ижтимоий бойликларни янада кўпайтириш йўлида мардлик ва жасорат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ва унинг бош, етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривож топтиришда эришилган ютуқлар ҳам айниқса улкандир. Республиканинг қишлоқ хўжалиги қудратли индустриал негизга эга бўлди. Республикада замонавий ирригация яратилди. Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақида улуғ Ленин башорат қилган буюк режалар бизнинг давримизда амалга оширилди. Мирзачўл ғуллаган воҳага, пахтачилигимизнинг мустаҳкам базаларидан бирига айланмоқда. Қарши ва Шеробод даштларини ўзлаштириш соҳасида қилинаётган ишларнинг кўлами ҳам ниҳоятда катта. Бизнинг республикамизда пахта учун кураш чинакам умумхалқ иши бўлиб қолди. 1973 йилда бу соҳада эришилган ғалабалар ҳаммамизни бениҳоя қувонтирмоқда. Мамлакат Ўзбекистондан қариб 5 миллион тоннага яқин «оқ олтин» олди. Бу қимматбаҳо хом ашёни етиштирувчи оптин қўлларнинг меҳнатига офаринлар, таҳсинлар ўқиймиз.

Ҳамма соҳаларда бўлгани каби социалистик маданиятни, фан, адабиёт ва санъатни тараққий топтиришда ҳам жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Революцияга қадар патриархал қолдиқларга эга бўлган қолоқ, саводсиз ўлканинг иқболи Советлар ҳокимияти йилларида яшнаб кетди. Ҳозир Совет Ўзбекистони ёпасига саводхон ўлкадир. Республикамизда ҳозир 7 мингтадан кўпроқ умумий таълим мактаблари бор. Бу мактабларда 3 миллион 400 мингга яқин ўғил ва қизларимиз таҳсил топмоқда. 40 та олий ва 173 та махсус ўрта ўқув юртларида 400 мингдан кўпроқ киши ўқимоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси, 194 та илмий-тадқиқот муассасалари ишламоқда. Республикада олий ва ўрта махсус маълумотли 622 минг мутахассис яъни инженерлар, агрономлар, экономистлар, врачлар, муаллимлар, юристлар, журналистлар, ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, 27 минг нафардан кўпроқ илмий ва илмий педагогик кадрлар самарали меҳнат қилмоқда. Республикамиз адабиёти ва санъати барқ уриб яшнамоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз ҳаётларини социалистик асосда қайта қуриб, тараққиётнинг юксак чўққиларига кўтарилиб олганликлари учун, абадул-абад бахт-иқбол эгаси бўлганликлари учун Коммунистик партиядан, унинг ленинчи Марказий Комитетидан бениҳоя миннатдордирлар. Республикамиз меҳнаткашлари халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида — фан ва маданиятни гуллатиб яшнатишда ўзларига кўрсатган ғоят катта сидқидил инъомлари ва мададлари учун Совет Иттифоқидаги барча халқлардан, оғамиз улуғ рус халқидан чексиз миннатдордирлар.

Республикамиз меҳнаткашлари эришган жуда катта ғалабаларнинг ва қилган яратувчилик ишларининг ташкилотчиси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жангговар, содиқ отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Коммунистик партиясидир. Республика Коммунистик партияси ўзининг бутун тарихи давомида, жангговар, мазмунли, курашчан фаолиятида марксизм-ленинизмнинг, пролетар интернационализмининг зафарли ғояларига чексиз содиқ бўлиб келди, партиямизнинг бош йўлини оғишмай амалга оширмоқда.

Назарий, сиёсий ва амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатни — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 50 йиллик юбилейни ўтказиш ҳақидаги қарорини кенг пропаганда қилиш — бутун идеология ишимизнинг таркибий қисмидир. Ярим асрлик юбилей тантаналаригa тайёргарлик даврида республикамиз партия ташкилотлари, совет комсомол ва касаба союз органлари ғоявий-сиёсий ишларни, меҳнаткашларни халқлар дўстлиги, қардошлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни янада авж олдириб юборишлари зарур.

Замонамизнинг улуғворлигини, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнатини, Совет ҳокимияти йилларида республикамиз меҳнаткашлари ҳаётида юз берган туб социал-иқтисодий, маданий ўзгаришларни матбуотда, телевидение кўрсатувларида, радио эшиттиришларида ва оммавий ахборот, пропаганданинг бошқа ҳамма воситаларида, адабиёт ва санъат асарларида жонли, ишонарли ва чуқур мазмунли қилиб ёритиш айниқса муҳимдир. Идеологиямизнинг бу соҳалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида таъриф-лаб, тавсифлаб берилган ҳамма масалаларнинг моҳиятини ҳар бир ишчи, колхозчи ва зиёли онгига чуқур сингдиришга ва уларнинг бутун куч-ғайратларини тўқкизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида республикамиз олдида турган халқ хўжалик планларини ҳал этиш учун сафарбар этишга даъват этилгандирлар.

Юбилей йили ҳақиқатан ҳам барча соҳаларда янада кўпроқ меҳнат ғалабаларига эришилган, экономика ва маданиятимиз ўз тараққиёт миқёслари жиҳатидан янги марраларни эгаллаган йил бўлмоғи лозим. Зотан тўйга муносиб совғалар билан бориш совет кишиларининг қонуний ва ҳаётий одатига айланган муқаддас ишдир.

Ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг активлигини, халқ ижодиётини ва ғайрат-ташаббусини ривожлантиришнинг қудратли воситаси бўлган социалистик мусобақани авж олдириш меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўстириш, илғорларни рағбатлантириш, энг яхши тажрибаларни кенг ёйиш, меҳнатнинг маънавий омилларидан тўла фойдаланиш — партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Партия сиёсати ва шиорларининг онгли, актив, саботли курашчилари бўлган коммунистлар юбилей йилида халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажариш йўлидаги умумхалқ курашида чинакам етакчи бўлишлари, меҳнатда шахсий ибрат кўрсатишлари, ижтимоий бойликларнинг кўпайишига ёрдам берадиган ҳамма янги нарсаларни, ташаббусларни, ихтиро ва кашфиётларни дадил қўллаб-қувватлашлари зарур.

«КПСС Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлигида ишлаётган Ўзбекистон Коммунистик партияси,—дейилади қарорда, — ўзининг 50 йиллигига ғоявий етук ва чиниққан, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишлари олиб боришнинг кўп қиррали тажрибаси билан бойиган, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган ҳолда келмоқда».

Партия ташкилотлари КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошира боришда, съезд кўрсатмалари асосида партиявий иш услубини ва методларини янада такомиллаштиришда, халқ хўжалигига раҳбарликни конкретлаштириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишда ҳали кўп иш қилишлари керак.

«Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика коммунистларини, барча меҳнаткашларини Ўзбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг ўтказиладиган юбилейини хўжалик ва маданий қурилишда КПСС съездининг улуғвор режаларини амалга оширишда, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида»ги докладида, Тошкентда, КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқларида кўйилган вазифаларни бажаришда янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан нишонлашга даъват этади ва улар севикли Ватаннинг шон-шуҳрати йўлида коммунизм тантанаси учун бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилаверадилар, жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига тагин ҳам маҳкамроқ жипслашадилар, деб қатъий ишонч билдиради».

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Бахшилло Ҳамроев — Бухоро область, Навоий районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири.

Николай Васильевич **Ким** — Хоразм область, Янгиариқ районидаги Ал-Хоразмий совхоз директори.

Салой **Худойқулов** — Хоразм область, Хазорасп районидаги Фрунзе номли колхоз механизатори.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА 1973-1974 ЙИЛДА ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШ УЧУН ЧОРВАЧИЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш халқ хўжалик планлари анча ошириб бажарилди.

Кўпгина колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари анъана бўлиб қолган социалистик мусобақани давом эттириб, 1973-1974 йилги қишловни муваффақиятли ўтказиш, чорва туёғини ва паррандани янада кўпайтиришни, маҳсулдорлигини оширишни, шунингдек 1974 йилда — Ўзбекистон республикаси ва Компартиясининг эллик йиллиги йилида озуқа базасини мустаҳкамлашни таъминлаш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Ҳозир улар фермаларда фидокорона меҳнат қилиб, чорвачиликни янада юксалтириш учун мустаҳкам негиз тайёрламоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қабул қилган қарорда 1973-1974 йилда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, беш йилликнинг тўртинчи йилида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдирган илғор фермалар, бригадалар, колхозлар ва совхозларнинг ташаббусларини маъқулладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масаласига катта эътибор бериб, область, шаҳар ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва район ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига қишлоқ хўжалик органларига жойларда зарур оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини ўтказиш, чорва туёғини ва паррандани сақлаб қолишда ҳамда гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан, шунингдек 1974 йилда чорва туёғини ва паррандани кўпайтиришни таъминлаш, урчитиб кўпайтиришни яхшилаш, чорва маҳсулдорлигини ошириш ва озуқа етиштиришни кўпайтириш юзасидан халқ хўжалик планлари ва мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришиш учун колхозлар, совхозлар, районлар ўртасида ферма меҳнатчилари ва емхашак тайёрловчи бригадаларнинг ходимлари социалистик мусобақасини кенг авж олдириш вазифасини топширдилар.

Ҳар бир чорвадор, ем-хашак тайёрловчи ҳар бир бригада, барча колхоз ва совхозлар, районлар ва областлар КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленумининг талабларига мувофиқ чорвачиликни ривожлантириш юзасидан конкрет мажбуриятларга эга бўлишлари лозим. Мусобақа чорвачилик маҳсулотлари ва ем-хашак етиштиришни кўпайтириш учун барча резерв ва имкониятларни қидириб топишга қаратилиши зарур. Узаро текширишларни мунтазам равишда ўтказиб, якунларини чиқариб туриш, иш натижаларининг ошкорлиги ва таққосланишини таъминлаш зарур.

Фермаларнинг ходимлари ўртасидаги социалистик мусобақани ҳар ўн кунда, хўжаликлар ўртасидаги социалистик мусобақа ой сайин, областнинг ўзидаги районлар ўртасидаги социалистик мусобақани ҳар уч ойда якунлаб туриш ва республика бўйича якунларни 1973 йил декабрь ойи кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда 1974 йил 1 июлда чиқариш белгилаб қўйилсин.

Чорвачиликда ва ем-хашак етиштиришда энг юқори натижаларга эришиш учун ўтказилаётган республика социалистик мусобақасида голиб чиққанларни мукофотлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 20 Қизил байроғи таъсис этилди. Бундан:

— 10 минг сўм пул ва бештадан автомобиль мукофоти билан бирга битта Қизил байроқ, 5 минг сўм пул ва учтадан юк автомобили мукофоти билан бирга иккита Қизил байроқ ҳамда 3 минг сўм пул ва иккитадан юк автомобили мукофоти билан иккита Қизил байроқ Қорақалпоғистон АССР билан областларни мукофотлаш учун;

— 15 та Қизил байроқ, шу жумладан 5 минг сўм пул ва учтадан юк автомобили мукофоти билан бирга иккита байроқ, 3 минг сўм пул ва иккитадан юк автомобили мукофоти билан бирга тўртта байроқ, бир минг сўм пул ва биттадан юк автомобили мукофоти билан бирга 9 та байроқ районларни мукофотлаш учун берилди;

социалистик мусобақа ғолиблари бўлган колхоз ва совхозларни, бошқа давлат хўжаликларини мукофотлаш учун 60 та Қизил байроқ таъсис этилди. Булардан:

— Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи ва хизматчилари касаба союзининг республика комитети 41 та байроқ;

— Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги билан қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи ва хизматчилари касаба союзи республика комитети 14 та байроқ;

— Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги билан озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзининг республика комитети — 3 та байроқ;

— «Главсредазирсовхозстрой» билан қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи ва хизматчилари касаба союзининг республика комитети — 1 та байроқ;

— Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги билан озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзининг республика комитети (молларни бўрдоқига боқиладиган хўжаликлар учун) — 1 та байроқ таъсис этди.

Кўрсатиб ўтилган министрликларга ва идораларга Қизил байроқлар билан мукофотланган хўжаликларга юк автомобиллари, енгил автомашиналари ва кажавали мотоциклларни мукофот тариқасида бериш (сотиш)ни кўзда тутиш топширилди.

Чорвачилик ходимларининг республика социалистик мусобақасида голиб чиққан колхоз ва совхозларнинг фермалари, чорвачилик бригадалари, чорвачилик илғорлари Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, Гўшт ва сут саноати министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш органлари ишчи ва хизматчилари ,озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзлари республика комитетларининг Фахрий ёрлиқлари билан шу кўрсатилган министрликлар, идоралар ва касаба союзлар комитетларининг қарорига мувофиқ мукофотланишлари белгилаб қўйилди.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, касаба союз ва қишлоқ хўжалиги органларига, автоном республикада, областда, районда республика социалистик мусобақасида энг яхши кўрсаткичларга эришган фермалар ва чорвачилик бригадалари, илғор чорвадорлар учун маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг конкрет тадбирларини белгилаш топширилди.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, республика газеталари редакциялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети Қорақалпоғистон АССРда, областларда ва районларда, колхозларда ва совхозларда, бригадаларда, фермаларда чорвачилик ходимлари республика социалистик мусобақасининг боришини кенг ёритишлари, ишлаб чиқариш илғорлари — новаторларининг тажрибаларини ҳар томонлама пропаганда қилишлари керак.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасига қўшилган қишлоқ хўжалик ходимлари чорва қишловини муваффақиятли ўтказадилар, 1974 йилда гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашда катта муваффақиятларга эришадилар деб қатъий ишонч билдирадилар.

ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИДА

Туркманистон ССР байроғида — Халқлар дўстлиги ордени

АШХОБОД, 25 декабрь. (ТАСС). Бугун Туркманистон пойтахтининг кўчалари, майдонлари, проспектлари қизил байроқлар билан ва тенг ҳуқуқли Совет республикалари қудратли иттифоқини шарафловчи транспарантлар билан яшнаб кетди. Туркманистон диёрида катта, қувончли байрам бўлди. Туркманистон байроғидаги Ленин ордени ёнида Халқлар дўстлиги ордени ҳам порлай бошлади. Туркманистон ССР меҳнаткашларининг ССР Иттифоқини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги, социалистик миллатлар ва элатлар дўстлигини ҳамда қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун, Совет давлатини иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун республика ана шу мукофотга сазовор бўлди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг Совет Армияси офицерлари уйида ўтказилган қўшма тантанали мажлисига Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Совети ва Туркманистон ССР Олий Советининг депутатлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари, жуда кўп меҳмонлар тўпланишди.

Тантанали мажлисни Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. М. Қиличев очди. Туркманистон меҳнаткашлари, деди у, ўз республикасига ана шу мукофот топширилиши муносабати билан қувонч ва ифтихор туйғуларига тўлган ҳолда Туркманистоннинг коммунистик қурилиш умумхалқ ишига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берган КПСС Марказий Комитетидан, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматидан ғоят миннатдордирлар. Ватаннинг юксак мукофоти республика ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда соҳасида, севикли Ватан — қардош халқлар аҳил оиласининг бахт-саодати йўлида қилинаётган бунёдкорлик ишида янги-янги зафарларга чорлайди, деди у.

Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқи ва Туркманистон ССР давлат гимнлари тантанали янгиради.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар.

Фахрий эскорт ҳамроҳлигида, марш садолари остида залга Туркманистон ССР байроғи ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғи олиб кирилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС Раиси А. Н. Шелепинга сўз берилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, дейди А. Н. Шелепин, Туркманистон ССРга Ватаннинг юксак мукофоти— Халқлар дўстлиги орденини тақдим этишдек фахрли вазифани менга топширдилар.

Бу мукофот совет халқининг, мамлакатимиздаги барча миллатларнинг жаҳоншумул тарихий хизматлари тимсолидир. Мамлакатимиздаги барча миллатлар Коммунистик партия раҳбарлигида социал адолат ва халқлар қардошлиги давлатини барпо этиш тўғрисидаги инсониятнинг эзгу орзусини дунёда биринчи бўлиб амалга оширдилар, Совет Иттифоқини бунёд этдилар, уни беқиёс улуғворлик, қудрат ва шоншуҳрат чўққисига кўтардилар, улуғ Ленининг эркин социалистик миллатлар ихтиёрий иттифоқи тўғрисидаги ғоясини амалда рўёбга чиқардилар.

[Давоми иккинчи бетда].

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАРНИНГ VIII ЖАҲОН КОНГРЕССИГА

Биродарлашган шаҳарларнинг VIII жаҳон конгресси делегатларини ва қатнашчиларини ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан табриклайман.

Сизларнинг конгрессингиз халқаро майдонда кескинликни юмшатиш, мамлакатлар ва халқлар ўртасида тинчлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш фойдасига ижобий силжишларга эришилган бир пайтда тўпланди.

Маълумки, Совет Иттифоқи ва барча совет кишилари КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасига амал қилиб, ана шу олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар ва халқаро иқлим соғломлаша бошлаганлиги муқаррар тус олишига интилмоқдалар.

Аммо шуни доимо ҳисобга олиш керакки, дунёда ҳали агрессия, қуролланиш пойгаси, мустамлакачилик, ирқий камситиш сиёсатини ўтказишга, «совуқ урушнинг машъум замонларини қайтаришга уринаётган кучлар тинибтинчимаётирлар. Шу сабабли ҳукуматларнинг ҳам, барча халқларнинг ҳам ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш соҳасидаги ҳаракатларини кучайтириш муҳим ва зарурдир.

Тинчлик, халқаро ҳамкорлик ва социал тараққиёт проблемаларини ҳал этишда жамоат ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар жуда катта роль ўйнамоқдалар ва ўйнашлари керак. Шу муносабат билан, масалан, тинчликсевар кучларнинг шу йил Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгресси якунларини зўр мамнуният билан таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда турли мамлакатларнинг шаҳарлари ўртасида алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим аҳамият берилади. Биродарлашган шаҳарларнинг жаҳон федерацияси халқлар ўртасида тинчлик дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида фойдали ва самарали иш олиб бормоқда. Федерация фаолиятида совет шаҳарлари ҳам қатнашмоқда.

Биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясига ва: «Одамлар яшайдиган ер тинч бўлсин» деган олижаноб шиор остида ўтаётган конгрессингизга муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Н. ПОДГОРНИЙ.

ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 25 декабрь. (ТАСС). «Союз-13» космик кемасининг парвози ниҳоясига якинлашиб қолди. Кеча Петр Климук билан Валентин Лебедев астрофизик тадқиқотларни давом эттирдилар. Юлдузларни спектрографилга олиш ва қуёшни рентген нурларида суратга олиш парвозининг 96, 97 ва 100 айланишлари вақтида ўтказилди.

Космонавтлар бундан ташқари навигация ва медицина-биология экспериментларини ҳам бажардилар. «Левкой» аппаратлари ёрдамида осойишта ҳолатда ва дозаланган жисмоний зўриқишдан кейин бош миясининг қон айланишини тадқиқ қилиш давом эттирилди. Экипаж «Озанс-2» аппаратлари ва бошқа приборлардан фойдаланиб, биологик тадқиқотларни давом эттирди.

Телевизион репортаж вақтида кема командири орбитадаги иш тўғрисида гапириб берди. Бошқарув марказидан радио алоқа сеансларидан бирида космонавтлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

25 декабрь Москва вақти билан соат 6 дан 15 минут ўтганда «Союз-13» космик кемаси экипажининг саккизинчи иш куни бошланди. Бу иш куни соат 20 дан 30 минут ўтгунча давом этади.

ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИДА

(Бошы биринчи бетда).

Бу мукофот шундан дарак берадики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукумати, мамлакатимизнинг барча халқлари Туркманистон Коммунистик партиясининг, унинг шонли ишчилар синфининг, колхозчи, деҳқонлари, зиёлиларининг, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, коммунистлари ва партиясизларининг, эркак ва аёллари, йигит-қизлари, балоғат ёшидаги кишиларининг, меҳнат ва уруш ветеранларининг, ўз революцион шижоатлари ва садоқатли меҳнатлари туфайли мамлакатимизнинг барча меҳнатчилари билан биғ-ликда Совет Иттифоқини, социалистик Туркманистонни бунёд этган ва бунёд этаётган туркман халқи барча авлодларининг хизматларини яқдиллик билан эътироф этадилар ва юксак баҳолайдилар.

КПСС Марказий Комитети ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан А. Н. Шелепин тантанали мажлис қатнашчиларини ва улар орқали Туркманистон ССРнинг барча меҳнаткашларини Халқлар дўстлиги ордени билан самимий ва қизғин табриклади ҳамда уларга коммунизм тантанаси йўлидаги курашда янгидан-янги муваффақиятлар, шахсий бахт-саодат ва эсон-омонлик тилади.

Октябрь революцияси бошларида туркман халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар ўз хўжаликларининг ривожи жиҳатидан мустамлака мамлакатлар учун хос бўлган даражада турар эдилар. Атиги икки фактни айтиб ўтиш кифоя қилади: республиканинг салкам ярим миллион квадрат километрлик территориясида Англия сингари мамлакатлардан учтаси бемалол жойлашиши мумкин эканлигига қарамай, ўша йилларда атиги 64 та темир плуг бор эди; ҳар минг туркмандан атиги 7 киши саводли эди.

Эндиликда Совет Иттифоқи, ҳар бир иттифоқдош республикамиз ва шу жумладан, Туркманистон улуғ рус халқининг ёрдами, барча совет халқларининг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами туфайли иқтисодий, сиёсий, социал, маданий ва маънавий ривожланишда чинакам улуғвор ғалабаларга эришди.

Бунга қаноат ҳосил қилмоқ учун Туркманистон ССРга бир назар ташлаш кифоя қилади. Ҳаддан ташқари қолоқлик, патриархалчилик, бадавийлик ва жаҳолат ҳукм суриб келган революциядан аввалги Туркманистон — ана шу Туркманистон ўтмишда қолиб кетди, сахродаги сароб каби кўздан ғойиб бўлди. Ярим аср мобайнида Туркманистон икки босқични — феодал ва капиталистик босқичларни четлаб ўтиб, юксак даражада ривожланган кўп тармоқли саноатга, механизациялашган йирик қишлоқ хўжалигига, юксак маданиятга эга бўлган илғор социалистик республикага айланди. Республика 30 турдан ортиқ товарни дунёнинг 50 дан кўпроқ мамлакатига экспорт қилмоқда.

Сўнгра А. Н. Шелепин Совет ҳокимияти йилларида Туркманистон ССРнинг экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган катта-катта ғалабалари тўғрисида батафсил гапиради. Бундай ажойиб ютуқларга фақат сизларнинг республикангизгина эришганни йўқ, деди нотиқ, ўртоқлар, шунинг мағзини чақиб кўрингки, 15 республиканинг ҳаммаси тарихан қисқа муддат ичида турмушнинг ҳамма соҳаларида ҳақиқий тенгликка эришдилар ва баб-баравар тез суръатлар билан олға томон ривожланиб боравердилар, —жаҳон тарихида ҳали ҳеч қачон бундай воқеа бўлмаган эди, ҳозирги носоциалистик дунёда ҳам бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Нотиқ 1973 йил якунларини таърифлаб, бундай деди: бу йил ички ва халқаро турмушда катта ва муҳим воқеалар жуда кўп бўлган ажойиб йил бўлди. Ифодали қилиб айтганда, 1973 йил икки ҳисса учинчи, ҳал қилувчи йил бўлди: тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда ҳам, халқаро вазиятда туб бурилишни таъминлаш учун партия олиб борган курашда ҳам ҳал қилувчи йил бўлди. Коммунистик партия ўртага қўйган мақсадга тўла-тўкис эришилди: беш йилликнинг учинчи йили амалда бунинг ҳал қилувчи йили — ҳақиқий зарбдор меҳнат йили бўлди. Совет кишиларининг илҳомбахш меҳнати, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг улкан ташкилотчилик иши социалистик ишлаб чиқаришни ва халқнинг турмуш даражасини юксалтириш суръатларини анча тезлаштиришни таъминлади, умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш учун қулай шарт-шароитларни яратиб берди. Бу — катта ғалабадир. Бу ғалабани қўлга киритишга Туркманистон меҳнаткашлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганликлари билан фахрланишга ҳақлидирлар.

А. Н. Шелепин беш йилликнинг учинчи йилида республика эришган катта ютуқлар ва муваффақиятларни таъкидлаб, бу ютуқ ва муваффақиятларга Туркманистон ССР ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, зиёлиларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари билан қўлга киритилганлигини айтади, республиканинг бутун мамлакатга машҳур бўлган энг яхши меҳнатчилари номларини тилга олади. У Туркманистон қишлоқ хўжалигининг бир миллион тоннадан кўпроқ пахта етиштириб давлатга сотган ходимлари меҳнатда кўрсатган жасоратини алоҳида қайд қилади.

Нотиқ ишдаги бир қанча мавжуд камчиликларни тилга олиб, республика меҳнаткашлари шу камчиликларни тугатишни кўзлаётганликларини ва уларни баҳамом бартараф этишга қарор берганликларини айтади. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар ва шонли отрядларидан бири — Туркманистон Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитет бюроси, республиканинг барча партия ташкилотлари туркман халқи бутун ҳаёти ва меҳнатининг, коммунизм қурилиши улуғвор планларини рўёбга чиқариш учун олиб бораётган курашининг ташкилотчиси ва раҳбаридирлар. Нотиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг топшириғига биноан тўққизинчи беш йиллик планларини бажариш соҳасидаги курашда фидокорона меҳнат қилаётганликлари учун республика меҳнаткашларига миннатдорчилик билдиради ва уларга меҳнатда янги муваффақиятлар тилаб, қизғин истаклар билдиради.

Янги, 1974 йил вазифаларига ўтиб нотиқ қуйидагиларни таъкидлайди: бу вазифалар КПСС XXIV съезди қарорларида ва КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган чуқур далилий ва ботиқ программа характерига эга бўлган ёрқин нутқида, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилга мўлжалланган ва СССР Олий Совети сессияси тасдиқлаган давлат планида белгилаб берилган. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия XXIV съездининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги қарорларини амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси фаолиятини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни батамом, тўла-тўкис маъқуллади. Коммунистик қурилишнинг ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида кўрсатиб берилган муҳим жорий ва перспектив вазифалари Туркманистон республикасига ҳам бевосита таалуқлидир, деб таъкидлайди А. Н. Шелепин.

Ҳозир совет халқининг бутун фикри-зикри, бутун битмас-туганмас ижодий куч-ғайрати бу йилни муваффақиятли тугаллаб, беш йилликнинг тўртинчи йили планини амалга оширишга ёнг шимариб киришишга қаратилган. Бу планнинг бажарилиши умуман беш йилликни муваффақиятли тугаллаш, мамлакат иқтисодий потенциалини янада ўстириш, совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш, давлатимизнинг халқаро майдондаги позицияларини мустаҳкамлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шунга шак-шубҳа йўқки, совет меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленуми қарорларига амал қилиб, 1974 йил планларини ошириб бажариш учун бошланадиган социалистик мусобақага актив қўшиладилар, планларни бажариш учун ўзларининг бутун кучлари, билимлари ва қобилиятларини сарф қиладилар.

Сўнгра А. Н. Шелепин СССРнинг халқаро аҳволи ва партия билан Совет ҳукуматининг партия XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга ошириш соҳасидаги ташқи сиёсат фаолиятида эришилган ажойиб муваффақиятлар тўғрисида батафсил гапирди. Бу муваффақиятларга эришишда КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ҳал қилувчи роль ўйнамоқда, деб таъкидлади у.

Пировардида нотиқ бундай деди: совет халқининг коммунизм қурилишидаги ва халқаро сиёсат соҳасидаги ҳамма буюк муваффақиятлари — шонли ва сергайрат, талантли ва меҳнатсевар 250 миллионли совет халқи фидокорона меҳнати ва курашининг натижасидир, барча совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг чексиз ишончига сазовор бўлган ленинчи партиямиз, унинг Марказий Комитети чинакам ленинча сиёсат ўтказаётганлигининг ва раҳбарлик фаолиятининг натижасидир.

А. Н. Шелепин СССР Олий Совети Президиумининг Туркманистон ССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттирди. У тантанали мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида орденни республика байроғига тақиб қўяди ва Туркманистон меҳнаткашларини юксак мукофот билан яна бир марта самимий табриклайди.

А. Н. Шелепиннинг нутқи давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров жаваб нутқи сўзлади.

Туркманистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети, республика ҳукумати номидан, унинг барча меҳнатчилари номидан нотиқ Туркманистон ССРни ривожлантиришга катта эътибор ва ёрдам берилаётганлиги учун КПСС ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнева қизғин ва самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи улуғ Ватанимиз халқлари чинакам дўстлиги ва қардошлигининг намунаси бўлиб қолди, деди сўнгра нотиқ. Совет халқларининг Октябрь туфайли дунёга келган, Коммунистик партия чиниқтириб воя етказган дўстлиги революция ва граждан урушининг даҳшатли кунларида, дастлабки беш йилликлар даврида ва Улуғ Ватан урушининг оғир дамларида синовдан ўтиб, тобланди ,мустаҳкамланди, қудратли ҳаётбахш кучга айланиб, Ватанимизни қудратли ва гуллаб-яшнаб турган социалистик давлатга айлантирди. Мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва қардошлиги ҳозир Советлар мамлакати коммунизм сари қиладиган бундан бўёнги муваффақиятли ҳаракатнинг мустаҳкам гаровидир.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ва Министрлар Совети номидан, тантанали мажлис қатнашчилари номидан М. Ғ. Ғапуров Туркманистон партия, ташкилоти, ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари коммунистик қурилишнинг партиямиз XXIV съезди белгилаб берган улуғвор программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун ўзларининг бутун куч ва тажрибаларини ишга соладилар, бутун ғайратларини сарф қиладилар, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни ишонтирди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Туркменцентрострой» трестининг бригадири Н. А. Васькова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тахта районидаги Куйбишев номли колхоз раиси Х. Муродов, Туркманистон давлат университетининг ректори С. Н. Муродов, Туркманистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Дурдиев Коммунистик партия билан Совет давлатига самимий миннатдорчилик ва чуқур ташаккур сўзларини изҳор этдилар. Республика меҳнатчилари, дейишди улар, юксак мукофотга жавобан меҳнат ва ижодий жўшқинликни янада оширадилар, беш йиллиқнинг тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини ҳамда юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма ишларни қиладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Қараганда металлургия комбинати тунукани совуқ усулда прокат қилувчи «1700» стани қурилишида эришилган муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 25 декабрь Фармони билан Қараганда металлургия комбинати тунукани совуқ усулда прокат қилувчи «1700» стан қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

«Казметаллургстрой» трести «Промстрой» қурилиш бошқармаси пардозчилар бригадасининг бошлиғи Е. П. Крайнов, «Казстальконструкция» трести 1-ихтисослаштирилган Темиртов монтаж бошқармаси монтажчилари бригадасининг бошлиғи С. А. Кудровский, «Казмеханомонтаж» трести Темиртов монтаж бошқармаси монтажчи-слесарлари бригадасининг бошлиғи А. Д. Манинов, «Казметаллургстрой» трести «Мартенстрой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Г. С. Мартиненко, «Казметаллургстрой» трести «Спецпромстрой» ихтисослаштирилган бошқармаси том ёпувчилар бригадасининг бошлиғи И. А. Несун Ленин ордени билан мукофотландилар.

4 киши Октябрь революцияси ордени билан, 44 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 19 киши Халқлар дўстлиги ордени билан, 64 киши «Хурмат Белгиси» ордени билан, 51 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан ва 63 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

Монголия Халқ Республикаси ҳукумат ва давлат муассасалари ходимларининг бир группаси Тошкентга келди. Группага МХР Министрлар Советининг ишлар мудири Балдагийн Бадарч бошчилик қилмоқда.

25 декабрда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қабул қилди.

МХРдан келган вакиллар шу куни В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишлари билан танишдилар.

МХРдан келган меҳмонлар Ўзбекистонда бир неча кун бўлишади. (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

Халқаро мавзуларда ёзувчи Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон журналистларининг семинар-кенгаши 25 декабрда Тошкентда тугади.

Семинарнинг якунловчи кунида унинг қатнашчилари Совет-Африка муносабатлари тўғрисида, тинчтотув яшаш ва ҳозирги босқичда идеология қураши ҳақида ва бошқа мавзулардаги докладларни тингладилар, халқаро ҳаётни ёритиш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар. (ЎзТАГ).

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Республикамизда район ва шаҳар партия конференцияларидаги давом этмоқда. Бу конференциялар партия ва мамлакат ҳаётида муҳим воқеа — КПСС Марказий Комитети декабрь (1973 йил) Пленуми бўлиб ўтган даврга тўғри келди. Пленум Марказий Комитет Сиёсий бюросининг партия XXIV съездининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги қарорларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни тўла маъқуллади. Марказий Комитет Пленуми партия ташкилотларига коммунистлар, комсомоллар ва барча меҳнаткашларни 1974 йил халқ хўжалик планини бажариш ва ортиғи билан бажаришга сафарбар этиш ишларини кенгайтиришни таклиф этди. Бу ҳол тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади, мамлакатимизнинг иқтисодий потенциалини янада ўстириш, халқ фаровонлигини тағин ҳам ошириш учун шароит яратади. Худди шу жиҳатларга кўра Пленум қарорлари партия конференцияларини тайёрлаш ва ўтказишга жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Чироқчи район партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида ҳам бу руҳ яққол сезилиб турди.

Конференция район партия комитетининг ҳисобот давридаги (1970 йил декабрь — 1973 йил декабрь) иш фаолияти ҳақида ҳайвон партия комитетининг биринчи секретари Т. Жабборов ҳамда район партия ташкилоти тафтиш комиссияси ҳисоботи тўғрисида шу комиссия аъзоси Т. Ҳусанов ўртоқларнинг докладларини тинглади ва муҳокама қилди.

Докладда сўнгги уч йил мобайнида хўжалик ва маданий қурилиш, ташкилий ва идеология соҳасида олиб борилган ишлар партия ва ҳукуматнинг тегишли қарорлари ва кўрсатмалари асосида атрофлича таҳлил қилинди. Ҳисобот даврида меҳнаткашларни КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун курашга сафарбар қилиш, — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қурилиш кўламини кенгайтириш юзасидан кўпгина ишлар қилинди, ташкилий-партиявий, партиявий-сиёсий ишлар янада яхшиланди. Бошлангич партия ташкилотларининг иш савияси ошди. Улар ишлаб чиқаришга янада самаралироқ раҳбарлик қиладиган бўлиб қолдилар, партия сафига ишлаб чиқариш илғорларини, қобилиятли, билимдон ёшларни қабул қилишга алоҳида эътибор бердилар. Кадрлар билан ишлаш, уларни ғоявий чиниқтириш юзасидан анча ишлар қилинди. Хотин-қизлар орасидан раҳбар кадрлар танлаш, уларни тарбиялашга эътибор қучайди.

ЧИРОҚЧИ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Хўжалик соҳасидаги муваффақиятлар ҳам чакки бўлмади. Ўтган уч йил мобайнида район пахтакорлари 67 минг тонна, ёки халқ хўжалиги планида кўзда тутилганидан 2450 тонна кўп пахта етиштирдилар. 133700 тонна дон, 4360 тонна гўшт, 606 тонна жун, 141298 дона қоракўл тери, 6 миллион 350 минг дона тухум сотилди. Шунингдек, меҳнаткашларга савдо, маданий-маиший, медицина, алоқа хизмати кўрсатиш ҳам яхшиланди.

Конференцияда ҳисобот даврида эришилган ютуқлар билан бирга қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам алоҳида қайд қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан пухта тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида ялпи маҳсулотни кўпайтириш бўйича мавжуд имкониятлар тўла ишга солинмади. Натижада асосий тармоқлар бўйича маҳсулот етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилмай қолди. Пахтачиликни механизациялаш, етиштирилган ҳосилни машиналар ёрдамида териб олиш жиддий оқсамоқда. Пахтачилик сўнгги ўн йил ичида бир даражада туриб қолди. Областдаги кўп районларда пахтачилик шу давр ичида 3-4 баравар, областда қариб икки баравар ўсганлиги назарда тутилса, Чироқчи районида пахтачиликни ривожлантириш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Ғалла етиштириш ва давлатга сотишда баъзи камчиликларга йўл қўйилмоқда. 1971—1973 йиллар мобайнида давлатга белгиланганидан 12148 тонна ғалла кам сотилди. Чорвачиликда юз бераётган жиддий камчиликлар натижасида гўшт, сут, жун бўйича уч йилга мўлжалланган планлар бажарилмай қолди. Етиштирилаётган пахта, ғалла, чорва маҳсулотларининг таннархи баланд. Хўжалик соҳасидаги бу камчилик ва нуқсонлар, уларнинг оқибати докладда ҳам, музокарада сўзга чиққан делегатларнинг нутқларида ҳам чуқур иқтисодий таҳлил қилинди.

Минбарда Максим Горький номли колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи Х. Ашуров сўзлаётганда залдан унга савол бериб қолишди:

— Сиз бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 42 центнердан пахта етиштирди. Колхоз эса пахта планини бажаролмай келяпти. Сабаби нимада, ер ҳар хилми?

— Йўқ, — деб жавоб берди у, — ер бир хил, лекин одамларнинг ерга муносабати ҳар хил. Бизнинг колхоз тажрибаси ҳам, қўшни колхозлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, иш бошида коммунистлар, ишчан ва ташаббускор раҳбарлар турган жойда иш яхши юришади. Шунинг учун район партия комитети ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларини кадрлар билан мустаҳкамлашга эътиборни янада кучайтириши керак.

Конференция делегати, Чкалов номли ўрта мактаб директори **А. С. Сорокина** ўз сўзида бундай деди:

— Район партия комитети биз, маорифчиларнинг ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларимизга доимий ёрдам бермоқда. Лекин ўқув-тарбия соҳасидаги ишларимизни янада яхшилашга хўжалик соҳасидаги базъзи камчиликлар халақит бераётир. Гап шундаки, районимизда пахтани машинада териш бу йил атиги 13 процентни ташкил қилди. Оқибатда мактаб ўқувчилари пахта йиғим-теримига бир мунча вақт жалб қилинди. Областимизнинг Ульянов ва Қарши районларида машина терими яхши йўлга қўйилганлиги учун бу районларда икки йилдан буён мактаб ўқувчилари йиғим-теримга жалб қилинмайди, машғулотларда узилиш ҳоллари йўқ. Шунинг учун биз-лар ҳам шу йўлдан боришимиз лозим.

Сўзга чиққан делегатларнинг аксарияти район партия комитетининг фаолиятини кучайтиришга оид қимматли фикр-мулоҳазалар билдиридилар, амалий таклифларни ўртага ташладилар.

В. И. Ленин, ҳисобот даври — бундан кейинги ишлар учун материал, сабоқ, асос бўлади, деб таълим берган эди. Бу сўзларнинг бугунги мазмуни — тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки уч йили тажрибасидан партия ва халқ манфаатини кўзлаб хулоса ва сабоқ чиқариш, амалда дуруст натижалар берган энг яхши тажриба ва методларни мустаҳкамлаш ҳамда оммалаштириш, янги вазифаларни ҳал қилишда улардан моҳирона фойдаланиш демакдир. Чироқчи район партия ташкилоти конференцияси қабул қилган резолюцияда бу жиҳатлар яққол акс этди.

Конференция райкомининг янги составини, ревизия комиссиясини ва область партия конференциясига делегатлар сайлади. Район партия комитетининг ташкилий пленумида **Т. Жабборов** район партия комитетининг биринчи секретари, **Б. Аҳмедов, У. Ҳамроев** ўртоқлар район партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

М. ЖАЛОЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ВИЗИТ ТУГАДИ

ЕРЕВАН, 24 декабрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Республикаси делегацияси кеча «Арманэлектросвет» фирмасининг бош корхонаси бўлган Ереван электр лампа заводига борди.

Корхона раҳбарлари билан суҳбат бўлиб ўтди. Меҳмонлар бир қанча цехларда бўлиб, ишлаб чиқариш технологияси билан, ишчилар меҳнатининг ташкил этилиши билан танишдилар.

Арманистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари О. М. Багдасарян, республика ташқи ишлар министри К. Б. Удумян корхонада меҳмонлар билан бирга бўлишди.

Делегация кунининг иккинчи ярмида Ереванда Ханойга жўнаб кетди.

Жанубий Вьетнам Республикаси, Совет Иттифоқи ва Арманистон ССР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда вьетнамлик дўстларни Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Х. Арутюнян, Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Г. А. Арзуманян ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ЁЗУВЧИ—ТАНҚИДЧИ СУҲБАТИ

ҲАЁТБАХШ МАВЗУ

Коммунистик партия меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашга ғоят катта эътибор беряпти, социалистик жамиятнинг ҳозирги тараққиёти шуни тақозо этяпти. Бу олижаноб вазифани адо этишда идеологиямизнинг жанговар отряди адабиёт ва адабий танқидчилик муҳим роль ўйнайди. Совет адабиётида халқлар дўстлиги темаси катта ўрин тутади, у сўз санъатида интернационализм ғояларини ифода этишнинг муҳим сферасини ташкил этади. Шу масалада суҳбатлашиш учун таниқли адиб Раҳмат Файзий билан танқидчи Умарали Норматовни редакцияга таклиф этдик. Қўйида уларнинг суҳбати тафсилоти билан танишасиз.

— Ёзувчи билан танқидчи диалоги — суҳбати кейинги пайтларда адабий-бадиий танқидчиликнинг махсус жанрига айланиб қолди, десак хато бўлмас дейман; адабий журнал ва газеталар бундай суҳбатларга кенг ўрин беряпти, бу жанр телевидение ва радиога ҳам кириб келяпти... Мана бугун ҳурматли газетамиз «Совет Ўзбекистони» редакцияси Сиз билан мени — ёзувчи билан танқидчини суҳбатга таклиф этибди...

— Таклиф учун ташаккур. Биз ёзувчиларнинг танқидчилар билан ҳамкорликда қиладиган ишларимиз жуда кўп. Замонимиз ўзи шундай ҳамкорликни тақозо этяпти. Агар биз, КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида»ги, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада адабий танқидчилик аҳволига доир қарорларида қўйилган улкан вазифаларни кўз олдимизга келтирсак, бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун аввало ана шундай ҳамкорлик кераклиги ва зарурлиги ўз ўзидан равшан бўлиб қолади.

— Ёзувчи-танқидчи муносабати алоҳида катта бир баҳсга мавзу. Бу гапларни шу ерда тўхтатсак-да, асосий масалага ўтсак... Биз Сиз билан дўстлик мавзуида, бу мавзунинг адабиётдаги ифодаси ҳақида гаплашмоқчи эдик.

— Бажонидил.

— Ўзбек совет адабиётида дўстлик ҳақида ёзмаган, дўстликни улуғламаган ёзувчини топиш қийин. У ёгини сўрасангиз, дўстлик таронаси анъаналари бизга, совет ёзувчиларига ўтмишнинг илғор адабиётидан мерос бўлиб қолган — Навоий, Муқимий, Фурқат, Абайлар қонидан ўтган. Рус классиклари Пушкин, Лермонтов, Толстойларнинг ўзга эл кишиларига чуқур меҳр-муҳаббат, ҳайриҳоҳлик билан тўлиб-тошган шоҳ асарлари бизни дўстликни улуғлашга илҳомлантирган.

— Тўғри, айтдингиз, дўстлик ҳам худди севги, Ватан каби адабиётнинг қадимий, шу билан бирга навкирон, илҳомбахш ва ҳаётбахш мавзуларидан. Аммо бу мавзу совет адабиётида алоҳида аҳамият касб этди. Бунинг маълум сабаблари бор. Ўтмиш алломалари ҳамиша турли миллатлар, халқлар, элатларнинг дўстликда, ҳамкорликда яшашини орзу қилар эдилар. Октябрь инқилоби шу эзгу орзуни рўёбга чиқариш учун имконият яратиб берди. Иккинчидан, социализм биринчи бор тенги йўқ кўпмиллатли бир мамлакатда амалга оширилди. Коммунистик партия катта-кичик миллатлар, халқлар, элатлар орасида иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан чинакам тенглик вужудга келтириш йўлида катта иш олиб борди.

— Шуниси қувонарлики, ўзбек совет адабиётининг асосчилари совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ интернационалистлар сифатида майдонга чиқди, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб борди, халқлар орасидаги дўстликни улуғлади.

— Бу курашнинг бошида устоз Ҳамза Ҳакимзода турдилар, устознинг инқилобий шеърлари, драмалари пролетар интернационализмининг ўша йиллардаги юксак бадиий ифодаси эди.

— Садриддин Айний ижоди ҳам шу жиҳатдан характерли; ёзувчи бир томондан, ўзбек-тожик халқларининг биргаликда кечган кунларини, машаққатли ўтмиши-ю, порлоқ истиқболини, социализмга келиш йўлини тасвир этиш, иккинчи томондан, ҳам тожик, ҳам ўзбек тилида баб-баравар асарлар ёзиш билан адабий дустликнинг яхши намунасини кўрсатди. Маълум камчиликларидан қатъий назар, А. Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар» романида миллатларни, ҳатто бир халққа мансуб уруғ-элатларни бир-бирига гиж-гижлатиб беҳуда қонлар тўкишишга йўл очиб берган феодал-хонлик тузумини аёвсиз фош этади; «Меҳробдан чаён» романида эса ўзбек ва тожик йигитлари орасидаги ҳамкорликни катта меҳр билан қаламга олади; худди ўша дўстлар мадади билан асар бош қаҳрамонлари Анвар ва Раъно оғир мусибатдан халос этилади, қардош руслар ихтиёридаги шаҳардан паноҳ топади; кейинроқ совет давридан олиб ёзган «Обид кетмон» повестида адиб қардош татар халқи вакили Бердининг жуда самимий, ёқимтой образини яратади...

— Дўстлик мавзуи ўттизинчи йиллар адабиётида, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Ўйғун, Яшин асарларида ҳам ёрқин акс эттирилган эди. Аммо Улуғ Ватан уруши даврига келиб дўстлик мадҳи яна ҳам зўр куч билан, янада мағрурроқ, жанговарроқ янгради. Худди ўша йиллари яратилган Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Ҳ. Олимжоннинг «Россия», «Роксананинг кўз ёшлари» каби асарлари ҳамон тилдан тилга ўтиб, дўстлик давраларининг севимли қўшиғи бўлиб янграмоқда. Бу асарлар адабиётимизнинг ифтихори бўлиб қолди. Урушдан кейин яратилган дўстликнинг ўзи ҳам, унинг бадиий ифодаси ҳам алоҳида бир мавзу бўлади.

— Барча асарларни тилга олиш имкони бўлмаса-да, ҳозирги адабиётда дўстлик мавзунинг ифодасига алоқадор тенденциялар, характерли хусусиятлар ҳақида гапириш мумкин бўлар...

— Албатта.

— Раҳмат ака, мени ҳозирги кунда ҳаммадан кўпроқ қардошларимиз ҳақида ёзилган асарларнинг ўзбек адабиётини бойитиши ҳамда қардошларимиз образининг талқини масаласи қизиқтиради .Биз, танқидчилар дўстлик темасидаги асарларнинг ғоявий-бадиий томони ҳақида умумий тарзда кўп гапирамиз-у, бу мавзу ўзбек адабиётининг ифодалар оламига нималар бергани ҳақида кам гапирамиз. Холбуки, қардошлар, ўзга халқлар ҳаётидан асарлар ёзиш, ўзга миллат вакиллари образини асарларга олиб кириш адабиётнинг фақат мавзу, ғоя доирасинигина эмас, бадиий тасвирий доирасини ҳам кенгайтиради.

— Фикрингиз мени жуда қизиқтириб қўйди. Чиндан ҳам бу мавзу ифодалар оламига нима олиб кирди? Ўйлайманки, бу гап бир мени эмас, китобхонларни ҳам қизиқтирса керак.

— Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» орқали ўзбек шеъриятига қорақалпоқ шеъриятини эслатадиган ўзгача поэтик оҳанглар, ифодалар кириб келди. Ғ. Ғуломнинг қардошларга бағишланган шеърларида, хусусан «Қозоқ элининг улуғ тўйи»да ўзбек шеъриятининг анъанавий ифодалар олами жуда кўп янгиликлар билан бойиган. Улуғ шоирнинг умри охирларида Афғонистон сафари таассуротлари асосида яратган шеърларн поэтик оҳангдорлик жиҳатидан аввалги шеърларидан фарқ қилади. Рамз Бобожоннинг «Ҳиндистон онаси» номли янги поэмасида хорижий Шарқ мавзуи шоирни ўзгача ифодалар сари етаклаган. Зулфиянинг «Мушоира»си, Ҳ. Ғуломнинг «Қитъалар уйғоқ» туркуми ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

— Шундай хусусиятни эпик, драматик асарларда ҳам кўриш мумкин. Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмаси финалидаги картинани — туркистонлик қардошларнинг Ленин билан учрашувини эсланг-а. Картинада бир неча миллат вакилларининг образи бор. Драматург уларнинг дили ва интилишларидаги интернационал кечинмалар, руҳия-ҳолатини кўрсатиш билан бирга, ҳар бирига хос, бетакрор миллий характер белгиларини ҳам очиб беради.

— Мана шунинг ўзи драматургиянинг, умуман миллий адабиётнинг ифодалар қўламини кенгайтиради. Бу фазилат прозада яна ҳам кенгроқ намоён бўляпти. «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Чинор», «Дегрез ўғли», «Излайман», «Мазсанглар», «Муҳаббат» каби асарлар ва ниҳоят Сизнинг «Ҳазрати инсон» романингиз. Шу жиҳатдан ўрганилса, ғоят ибратли хулосалар чиқариш учун имкон берар эди.

Илғор автохўжаликлар тажрибасидан

ИСЛОҲОТ ШАРОФАТИ

Қолоқликдан қутилиш чораси борми? Автобазани қандай қилиб илғор корхоналар даражасига кўтариш мумкин? Наманган областининг 86-автобаза ишчилари шу ҳақда узоқ бош қотиришди. Мавжуд резервларни қидириб топишга, улардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилиб ҳам кўришди. Аммо, ҳа деганда иш кўнгилдагидек юришавермади. Чунки, автобазада кўпгина юмушлар қўл кучида бажариларди. Корхонада ишни қайта ташкил этмасдан, барча ишлаб чиқариш участкаларини механизациялаштирмасдан ва автоматлаштирмасдан ҳамда автомобиллардан рационал фойдаланиш бўйича конкрет графиклар тузмасдан туриб, автобазани илғор корхоналар қаторига қўйиш мумкин эмас эди.

1967 йилнинг июль ойидан бошлаб автобаза фаолиятида катта бурилиш бўлди. Коллектив планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича системасига ўтиб иш бошлади. Корхона ҳузурида техника маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Бу кенгаш меҳнат унумдорлигини оширишнинг конкрет йўлларини ва резерваларини ишлаб чиқди. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг бирдан-бир йўли — автомобиллардан фойдаланиш коэффициентини кўтариш деб белгиланди.

Корхона мутахассислари, инженер-техниклари директор Саидмамат Мимидиминов раҳбарлигида мавжуд техника ресурсларидан самарали фойдаланиш чораларини излашди. Директорнинг ўзи бу борада катта шижоат кўрсатиб, ижодий иш олиб борди. У бортли автомашиналардан самарали фойдаланиш йўлларини излади. Автомашиналарнинг бортларини олиб ташлаб, ўрнига янги бортлар ўрнатилди. Бортни кўтарувчи механизмлар ишлаб чиқилди. Юклар автоматик равишда бўшатиладиган бўлди. Масалан, «ММЗ-555» маркали автомобиль илгари 4,5 тонна юк кўтариш қобилиятига эга бўлса, у қайта ускуналангандан сўнг ярим прицеп ёрдамида бир йўла 9 тонна юк ташиш имкони яратилди. Бундан ташқари шу пайтгача машиналардан юк туширишга 30 минутдан 1 соатгача вақт сарфланган бўлса, эндиликда атиги 4 минут вақт кетадиган бўлди. Шунга ўхшаш қатор рационализаторлик таклифлари сабот ва матонат билан ишлаб чиқаришга жорий этилди. Булар автобаза фаолиятида бурилиш ясади. Меҳнат унумдорлиги ошиши билан ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортди.

Бугунги кунда автобаза биргина «ЗИЛ-130» маркали автомашинадан 157 тасига эга. Уларнинг ҳаммаси қайта ускуналанган. Ярим прицеп ёрдамида 9 тоннадан юк кўтарадиган даражага етказилган. Автобазада ишлаб чиқилган «ТАЗ-32» ва «ТАЗ-879» маркали ярим автоприцеплар корхонанинг оғирини енгил қилмоқда. Халқ хўжалик юклари ташиш бўйича белгиланган топшириқларнинг ошириб бажарилишида омил бўлмоқда.

Автобазада ишчи кадрларнинг техника билимини ва малакасини ошириш борасида ҳам яхши тадбирлар амалга оширилди. Илгарилари ишчилар ўз малакаларини ошириш учун Киевдаги ўқув комбинатига юборилар ва у ердан тажриба орттириб қайтишарди. Эндиликда ишчилар корхонанинг ўзида ташкил этилган малака ошириш курсида ўқишяпти. Ҳозир бу ерда 32 киши таълим олмоқда. Автобазада 240 ҳайдовчи меҳнат қилади. Улардан 59 таси биринчи класс, 80 таси иккинчи, 101 таси 3 класс шофёрлардир. Корхона, маъмурияти мавжуд ишчи кучларини ҳисобга олиб, автомашиналарда икки сменада ишлашни жорий этмоқда. Бу автомобиллардан фойдаланиш коэффициентини кўтармоқда. Бундан ташқари автомобилларнинг бўш юришига чек қўйилаётир. Улар юк ортиб бирор манзилга борганда, бўш келмаслик учун у ердан ҳам керакли юк билан қайтишади. Масалан, Сирдарё қирғоқларини бетон билан шиббалаш учун тош юклаб боришса, қайтишда эса шаҳар қурилиши учун керакли бўлган қум, шағал ва бошқа бинокорлик материаллари олиб қайтишади.

Янги системага ўтиб ишлаш автохўжаликка катта наф келтирди. Амалга оширилган тадбирлар шарофати билан умумий йиллик самара ошиб бормоқда. 1972 йилда 643 минг сўм иқтисодий самара кўрилган, бўлса, тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида самарадорлик 1,5 баравар ошди. Беш йиллик охирига бориб у миллион сўмдан ортади. Корхонадаги барча ишчи, инженер-техник ходимлар социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари ошириб уддалаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Г. ВОГМАН.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ҳар қандай йирик иншоотни — тўғон ёки канал, завод ёки фабрика, электр станцияси ёки уй-жой қурилишини бошлашдан олдин, албатта бино қуриладиган жойнинг ер қатлами, тупроғи, чидамлилиги, сув қатламларининг қанчалик чуқурликда жойлашганлиги ўрганилади.

Ана шу масалалар билан шуғулланувчи мутахассислар дастлаб иншоот қурилаётган ернинг табиий ҳолатини ва ер қатламларини пухта тадқиқ этишади. Яқин кунларгача ер қатламларини тадқиқ қилишда илгари қабул қилинган инженер-геологик методлардан фойдаланилар эди. Фан-техника тараққиёти шарофати билан бу тадқиқот ишларида кам куч сарфлаб кўп иш бажариш, ер қатламлари ҳақида янада тўғри ва аниқ маълумот олиш имконини берувчи янги метод ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Янги метод эскисига қараганда ўзининг бирмунча мукаммал ва фойдали эканлигини кўрсатмоқда.

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг гидрогеология илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида илғор тажрибалар бўйича Бутуниттифоқ мактаби ўз машғулотларини ўтказди. Илғор тажрибалар мактаби ишида қатнашиш учун Совет Иттифоқининг турли республика, ўлка ва областларидан 120 дан зиёд мутахассислар Тошкентга келишди.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги гидрогеология илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги метод бўйича ер қатламларини аниқ ва пухта тадқиқ этишда тўплаган бой тажрибаси машғулот қатнашчиларининг асосий диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

Б. БЕДЕР,
Геология-минералогия фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог.

ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ СЛЕТИ

НАМАНГАН, (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Яқинда бу ерда ишчи мухбирлар биринчи Бутуниттифоқ кенгашининг 50 йиллигига бағишлаб ишчи ва қишлоқ мухбирларининг область слёти ўтказилди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Иброҳимов слётни кириш нутқи билан очди ҳамда область партия комитети ва область ижроия комитетининг слёт қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттирди. Область партия комитетининг секретари ўртоқ Т. Рўзибоев ишчи мухбирлари Бутуниттифоқ кенгашининг 50 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Слёт охирида бир группа актив ишчи ва қишлоқ мухбирларига область партия комитети ҳамда область ижроия комитети ва «Наманган ҳақиқати» область газеталарининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Жаҳон бўйлаб

● ҚИММАТЧИЛИК ВА ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА.

● ХИТОЙДА МАЙДА МИЛЛАТЛАР КАМСИТИЛМОҚДА.

Франция меҳнаткашлари миллий кунни қимматчилик ва инфляцияга қарши кураш куни сифатида нишонладилар. Мамлакатда нарх-навонинг ошиб бориши меҳнаткашларнинг чуқур норозилигини туғдирмоқда. Суратда: Парижда ўтказилган намойиш тасвирланган. Бундай намойиш ва митинглар мамлакатнинг нўлгина шаҳарларида бўлиб ўтди.

АФП — ТАСС фотоси.

ТОКИОДА СОВЕТ ВИСТАВКАСИ

ТОКИО, (ТАСС). Токиодаги Коракуэн стадиони территориясида «Совет Социалистик Сибири» деган виставка очилди. Беш минг квадрат метрдан ошадиган майдонда 7 мингта экспонат жойлаштирилди. Бу экспонатлар шу ўлканинг тарихи, табиати ва экономикаси билан, Сибирь халқларининг маданияти ва ҳаёти билан таништиради. Совет виставкаси Японияда «ЭКСПО-70» дан кейинги энг катта чет эл экспозицияси бўлди. Виставка келаси йилнинг май ойигача давом этади.

Виставкани очиш маросимида Совет делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев нутқ сўзлади.

Хитой раҳбарларининг миллий сиёсати тўғрисида «Унэн» газетасининг ёзганлари

УЛАН-БАТОР. «Унэн» газетасида «Хитой раҳбарларининг ғайри Хитой миллатларга нисбатан сиёсати» сарлавҳали мақола босиб чиқарилди. Мақолада бундай дейилади: Мао Цзэ-дун ва унинг группаси Хитой Халқ Республикасидаги миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги принциплари акс эттирилган ҳужжатларнинг ҳаммасини назар-писанд қилмаётирлар, Хитойнинг эски буюк давлатчилик сиёсатини ўтказиб келмоқдалар.

Хитойда амалга оширилган «автономлаштириш» амалда миллий районлар ўртасида тарихан вужудга келган чегараларни зўрлик билан ўзгартиришга ва ғайри Хитой элатларини ассимиляция қилишга қаратилди. Ички Монголия автоном районини ташкил этиш чоғида маочилар бу районга жуда кўп хитойларни жойлаштирдилар, Ҳанъ миллати вакилларининг ҳукмрон бўлиб қолишини таъминладилар ва маъмурий найранглар ўтказиш натижасида монголлар ўз автоном районида аҳолининг фақат 8-10 процентидан иборат майда миллат бўлиб қолди, деб ёзади газета.

Пекин раҳбарлари майда миллатларнинг районларига, айниқса чегара бўйидаги областларга хитойларни кўчириб келтириш кампаниясини кенг ўтказмоқдалар. Синьцзянга, ички Монголияга ва Тибетга хитойларни кўплаб кўчириб келтириб, уларнинг сони кўпайтирилаётганлигини маочилар шу районларнинг «экономикасини юксалтириш» мақсадида шундай қилинаётир, деган баҳоналар билан изоҳламоқдалар, «шимолдан хавф бор» деган важларни айтиб, жамоатчиликни лақиллатмоқдалар. Баъзи чегара районларида маҳаллий аҳолининг ҳаммаси кўчириб юборилиб, уларнинг ўрнига ҳарбий қисмлар жойлаштирилди.

Хитойлаштириш сиёсати зўр бериб ўтказилаётганлиги натижасида майда миллатларнинг районларида хитойлар сони тобора кўпаймоқда. Ички Монголияда 1948 йилда етти миллион нафар хитой истиқомат қилиб келган бўлса, 1967 йилда хитойларнинг сони 12 миллион кишига етди. «Маданий революция» деб аталган даврда Шанхай, Тяньцзинь ва бошқа шаҳарларда минг-минглаб хитой ёшлари ички Монголияга юборилди. Синьцзян-Уйғур автоном районининг аҳолиси 1962 йилда беш миллион кишидан иборат эди, 1968 йилда эса саккиз миллион кишига етди. Улардан олти миллиони хитойлар.

Тибет, уйғур, монгол ва бошқа баъзи тилларда чиқаётган битта-яримта газеталар хитойча нашрларнинг копиясидир. Ғайри хитой миллатларининг ҳаёти, маданияти ва санъати акс эттирилган миллий ёзувчиларнинг асарларини чоп қилиш тақиқлаб қўйилди. Улардан кимки миллий тил ёки адабиётни ўрганмоқчи бўлса, уни «ревизионист» деб айбламоқдалар ва бунинг устига энг қўпол туҳматлар ёғдирмоқдалар.

Маочиларнинг майда миллатларга нисбатан ҳаракатлари марксизм-ленинизмнинг миллий масалага доир таълимотини бузишдан иборат бўлмоқда. Бу, деб ёзади «Унэн» газетаси, халқ олдида қилинаётган жиноятдир.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КАТТА МУВАФФАҚИЯТ

БУДАПЕШТ. Венгрия қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти бу йил 1972 йилга нисбатан 6 процентдан кўпроқ ортади. Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 2-2,5 процент кўпаяди.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 34,7 центнер буғдой ва 40 центнер маккажўхори ҳосили олиб, катта муваффақиятларга эришдилар. Ялпи дон ҳосили бу йил 11,5-11,6 миллион тоннага етди ёки ўтган йилга нисбатан қариб бир миллион тонна кўп бўлди. Узум ҳосили ҳам анча кўпайди.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

ВАРШАВА. Польша Халқ Республикасидаги йирик электр станциялардан бири «Козеница» электр станцияси қурилишида 200 мегаватт қувватли турбоагрегат муддатидан олдин фойдаланишга топширилди. Станция қурувчилари янги объектларни ишга туширишнинг муддатларини тезлаштириш бўйича олган мажбуриятларини муваффақиятли бажараётган меҳнатчиларнинг биринчи сафларида бормоқда. Қурувчилар бу йил тўртта агрегатни фойдаланишга топширганликлари бунинг ёрқин далилидир. Бу эса план муддатларидан анча ошиқдир. Янги, бешинчи агрегатнинг ишга туширилиши билан электр станциянинг қуввати минг мегаваттга етди. Беш йиллик охирига бориб эса, станцияни янада кенгайтириш ҳисобига электр станция қуввати 1600 мегаваттга етади.

БИРИНЧИ ЭРИТМА

БУХАРЕСТ. Тирговиште шаҳридаги лигерланган пўлат заводи Руминиянинг энг ёш корхонаси ҳисобланади. Бу завод дастлабки пўлатни эритди.

Тирговиште пўлат эритувчиларининг меҳнат ғалабаси ҳардош социалистик мамлакатларнинг самарали ҳамкорлиги натижасидир. Совет мутахассислари руминиялик ҳамкасбларига СССРда тайёрланган электр печларидан бирини монтаж қилишда ва ишга туширишда ёрдам бердилар. Польша Халқ Республикаси корхоналарида тайёрланган бошқа бир электр печни ишга туширишда Польша мутахассислари ёрдамида амалга оширилди. Ҳозир яна бешта агрегатни монтаж қилиш ишлари жадал кетмоқда.

Ёш корхонани техника билан жиҳозлашда бутун мамлакат қатнашмоқда. Бу ерда 23 август номидаги Бухарест заводида, Решица машинасозлик заводида, Руминиядаги бошқа кўпгина корхоналарда тайёрланган станоклар ва машиналарни уратиш мумкин. Ускуналарнинг кўпчилиги Совет Иттифоқи, Польша ва ГДРдан келтирилган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ УЧУН

ПРАГА. Прагадаги машҳур «Ческе лоденице» кемасозлик корхонасининг коллективи Совет Иттифоқига етказиб бериладиган экспорт маҳсулотлари планини графикдан бир мунча ўзиб бажарди. Чехословакиялик кемасозлар бу йил Совет Иттифоқига 12 та техника кемаси — земснаряд ва насос станциялари етказиб беришди.

Прага кемасозлик корхонасида қурилган ўзиюрар земснарядлар Волга ва Кама, Иртиш ва Шимолий Двина, Обь ва Лена дарёларида яхши ишламоқда. Сузувчи насос станциялардан Урта Осиё мелиораторлари кенг фойдаланишмоқда. Совет буюртмаларининг ҳажми тўхтовсиз ортиб бормоқда. Кемасозлик корхонаси келаси йили СССРга 16 та кема, 1975 йилда эса 21 та кема тайёрлаб беради.

(ТАСС).

ЯНГИ МАРРАЛАР

Республика пойтахтида беш йилликнинг тўртинчи йилида саноат ишлаб чиқариши ҳажми бу йилдагига нисбатан камида саккиз процент ортади.

Тошкент меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги нишонланадиган йилда саноат, транспорт ва алоқа, маданий ва маиший хизмат кўрсатишнинг кўпгина объектларини ишга туширишлари лозим. Янги микрорайонларда юзлаб янги уйлар қурилади, улар билан ёнма-ён эса мактаблар, магазинлар, кинотеатрлар, болалар боғчалари, турли хил ателъелар пайдо бўлади.

Тошкент шаҳар Советининг 24 декабрда бўлиб ўтган сессиясида шу ҳақда гапирилди. Сессия шаҳар хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги планини ва республика пойтахтининг маҳаллий бюджетини тасдиқлади. Сессия шаҳар Совети ижроия комитетининг 1973 йилги иши тўғрисидаги ҳисоботни ҳам тинглади.

Депутатлар Тошкент меҳнаткашлари социалистик мусобақада яхши натижаларга эришганликларини, беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планини муддатидан олдин бажарганликларини мамнуният билан гапирдилар. Улар шу билан бирга ишлаб чиқариш резерваларидан янада тўлароқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Сессияда маҳаллий Советлар барча депутатларининг муҳим вазифаси КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқига амал қилиб, ташкилотчилик ишини янада юқори даражага кўтариш, беш йиллик-нинг тўртинчи йили топшириғини муваффақиятли бажаришни таъминлашдан иборат, деб қайд этилди. (ЎзТАГ).

Биз бундай илмий изланишларга ҳайрихоҳмиз, уларнинг натижасини сабрсизлик билан кутамиз.

Қардошлар образининг талқини бобида ҳам ҳозирги ўзбек адабиётида қатор янги тенденциялар кўзга ташланяпти. «Голиблар», «Бўрондан кучли» романларидаги Погодин билан Ойқиз ва Олимжон, «Давр менинг тақдиримда» асаридаги Борис билан Аҳмаджон, «Чинор»даги Мария билан Ориф, «Эрк»даги Максимич билан Саттор ва Розиялар ҳар жиҳатдан бир-бирларига тенг, шоир айтмоқчи бири-бирига шогирд, бири-бирига устоз!

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев республикамизга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида Совет ҳокимияти йилларида бу ўлкада юз берган ўзгаришларни **катта мўъжизалар** деб атади. Яна у: «Утган ўн йиллар мобайнида партия ўзбеклар диёрида том маънодаги ленинча маданий революцияни амалга оширди», — деди. Шубҳасиз, амалга оширилган ленинча маданий революция туфайли халқимиз маданий жиҳатдан мисли кўрилматган даражада ўсди, улғайди.

— Адабиёт ҳам бамисоли кўзгу — халқ онги, маънавий оламидаги ўзгаришларни, маданий камолотини образлар силсиласида акс эттириб, боради.

— Адабиётимизда яна бир муҳим тенденция яққолроқ намоён бўляпти. Адибларимиз қардошлигимиз илдизларини, хусусан рус-ўзбек халқлари орасидаги дўстлик, ҳамкорлик тарихини очишга катта эътибор беряпти. Ойбекнинг «Улуғ йўл», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз» асарлари бу жиҳатдан характерли. Бизнинг дўстлик ҳақидаги қарашимиз пролетар интернационализмига асосланган, у чуқур синфий аниқликка эга. Мана шу туйғу инқилобдан аввалги ўтмиш ҳақидаги барча асарларда — жумладан Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз» қиссаларида яхши ифодаланган. Ёзувчи ўтмишда икки хил Россия бўлганлигини — чекка ўлка халқлари учун турма саналмиш Чор Россияси билан бирга меҳнаткаш халқ учун таянч, нажоткор пролетар Россияси борлигини кескин бўёқларда бўрттириб кўрсатади, подшо амалдорларининг кирдикорини газаб билан фош этади, меҳнаткаш рус халқи вакилларини эса вўр ҳурмат-эҳтиром билан қаламга олади, уларни ҳақли равишда нажоткор деб атайди.

— Дўстлик айниқса бошга кулфат тушганда аниқроқ, ёрқинроқ намоён бўлади. Дўстлик ҳақида, бу муқаддас туйғунинг ҳаётбахш кучи ҳақида гап борганда дастлабки кўз олдимга Улуғ Ватан уруши йиллари ҳамда Тошкент зилзиласи кунлари келади.

— Демак, «Сен етим эмассан», «Ҳазрати инсон» асарларингиз Улуғ Ватан уруши давридан олиб ёзилиши тасодифий эмас экан-да...

— Албатта.

— «Ҳазрати инсон» кенг китобхонлар оммасига яхши таниш, адабий танқид бу асарни муносиб баҳолади. Асар рус тилига таржима этилиб, аввал журналда, сўнг роман-газетада катта тиражда босилди, ўтган йили у алоҳида китоб бўлиб чиқди. Эндиликда у Иттифоқ, қолаверса жаҳон китобхонлари қўлига етиб борди. Роман Ёзувчилар союзи билан касаба союзлари уюштирган конкурс мукофотига сазовор бўлди...

— Мен учун энг катта мукофот китобхон фикри, унинг асарга бўлган муносабати. Биласизми, асар рус тилида чиққандан кейин янги китобхонлар оммасига дуч келдим. Иттифоқимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келаётган хатлардаги юрак сўзлари, хусусан Олтой ва Украинада ўтказилган китобхонлар конференциясида айтилган илиқ гаплар менга гоят тўлқинлантириб юборди. Табиб табиб эмас, дард тортган табиб, дейди халқимиз. Менинг янги китобхонларим аксари «Ҳазрати инсон»да акс этган воқеаларга қандайдир даҳлдор кишилар. Улар романни ўқиб, ўзларининг яқин ўтмишини қайта кўргандек бўлганини айтадилар, ўша оғир, даҳшатли кунларда норасидаларни бағрига олиб, насибасини баҳам кўрган олижаноб Маҳкам акалар шаънига, бинобарин ўзбек халқи шаънига битмас-туганмас ташаккурлар изҳор этадилар.

— Раҳмат ака, шу муносабат билан ёзувчи ва китобхон муносабати масаласида бир гапни таъкидлаб ўтсак, яъни ҳозирги вақтда қўлга қалам олган адиб фақат ўз она тилидаги китобхонларнигина эмас, ўзга миллат китобхонларини ҳам назарда тутиши шарт экан.

— Мен «Ҳазрати инсон», қолаверса «Сен етим эмассан» тажрибасидан бунга тўла ишонч ҳосил қилдим.

— Раҳмат ака, яна бир гап. «Ҳазрати инсон» реал ҳаётий факт асосида ёзилган; тошкентлик темирчи Шоҳмад ака билан Баҳри опалар ҳаёти, жасорати романга материал қилиб олинган. Адабий танқидчиликда баъзан мавзунинг «катта» ва «кичик»лиги ҳақида баҳслар бўлиб туради. «Ҳазрати инсон» тажрибасидан келиб чиқиб шу баҳс ҳақида Сиз нима дейсиз?

— Қайси темани «катта», қайсинисини «кичик» деб аташни билмайман-у, бир нарсани аниқ айта оламан: асар ўзингни ҳам, ўзгани ҳам, бинобарин бутун халқни қизиқтирадиган, тўлқинлантирадиган ҳодисалар, муаммолар ҳақида ёзилгандагина китобхон қалбига йўл топа олади, «миллий қобиқ» доирасини ёриб, ўзга элларга қанот қоқади. Биз ёзувчилар мавзунинг «катта», «кичиги» ҳақида баҳслашиб ўтирмай, реал ҳаётдаги жиддий, муҳим, бадиий ифодага арзийдиган жонли фактларни, диққатга сазовор муаммоларни адабиётга дадил олиб киришимиз керак.

— Тўғри, айтдингиз. Баъзи ўртоқлар асар тақдирини мавзунинг «катта-кичиклиги» эмас, авторнинг маҳорати белгилайди, дейишади. Чехов бир ўринда, киноя билан, истасангиз кулдон ҳақида ҳикоя ёзиб беришим мумкин, лекин бу кимга керак, деган экан. Афсуски, ҳозир яратилаётган айрим асарлар мавзу заифлиги туфайли ҳам авторлар меҳнати беҳуда исроф бўляпти... «Ҳазрати инсон»га қайтайлик. Раҳмат ака, романда ўндан ошиқ миллат вакиллари образи бор. Шу вақтга қадар яратилган проза асарларида икки-уч, нари борса тўрт миллат вакиллари иштирок этар эди. Бир асарда ўндан ортиқ миллат вакили образини яратиш, уларнинг ҳар бирига тегишли миллий белгиларни сақлаб қолиш, уларга мос бўёқлар топиш гоят мушкул иш. Бундай ижодий муаммони қандай ҳал этдингиз?

— Ёдингизда бўлса керак, бу муаммо фильмда бирмунча «осон» кўчган эди. Бу жиҳатдан экран имкониятлари кенгроқ, бу борада сценарий муаллифига режиссёр, оператор ва актёрлар мададга келади. Романда эса мушкулотни ҳал этиш бутунлай ёзувчининг ўз зиммасига тушади. Фақат бу масалада эмас, бошқа соҳаларда ҳам кўп қийинчиликларга дуч келдим. Одатда, аввал роман яратилар, сўнг роман асосида фильм ишланар эди, мен эса акс йўллан юрдим — аввал фильм, сўнг роман. Томошабин эътиборига эришган фильмдаги ҳис-ҳаяжонни, романга кўчира оламаким, ёки йўқми, роман фильмнинг шунчаки такрори, фильм воқеаларининг насрий изоҳи бўлиб қолмасмикан, деган ташвишда эдим. Роман чиққач, мени қийнаган жумбоқлар асосан ҳал этилганлиги аён бўлди.

— «Сен етим эмассан», «Ҳазрати инсон» тажрибаси кино билан сўз санъати ўзаро рича мустақил, дахлсиз, шу билан баробар иккаласи ҳам зарурий, яшашга ҳақли эканлигини тасдиқлайди.

— Мен ёзувчи сифатида кинодан кўп нарса ўргандим, айни пайтда беллетристика тамомила бошқа бир мустақил олам эканига амин бўлдим... Романда турли миллат вакиллари образини беришга келсак, мен уларни турли тилларда гапиртириб ўтирмадим, кинода сезилмаса ҳам, прозада бу йўл чиқмас экан, бунда бадиий ижоднинг шартлилик принципидан келиб чиқиб иш кўрдим...

— Бола табиатан интернационализмга мойил бўлади. турли миллатга мансуб болаларнинг тезда умумий тил топиб, инок бўлиб кетишини ҳаётда кўп кузатганмиз. Эҳтимол, болалар табиатидаги шу хусусият Сизга қўл келгандир.

— Жуда тўғри айтдингиз. Буни мен тажрибада кўрдим. Тўрт яшар неварам Зиёдулла икки йил Ҳиндистонда бўлганида инглиз тилини, озроқ ҳиндчани ҳам ўрганиб олибди. Ҳозир бемалол инглизча гапиришади. Гўдакларнинг тилни ҳам, миллий удумларни ҳам тез ўзлаштириб олганларини Шоҳмад акалар оиласида ҳам кўрганман.

— Дўстлик мавзуи поёнсиз, у ҳақда ҳар қанча гапиргани билан тугамайди. Мангу, навқирон, ҳаётбахш, беполён бу мавзу ҳақида яна кўп гаплашамиз, ёзамиз.

ТРИБУНАЛНИНГ ҲУКМИ

ҚОБУЛ, 25 декабрь. (ТАСС). «Жумҳурият» газетаси республика режимига қарши уюштирилган ва шу йилнинг сентябрида фош қилинган фитна қатнашчиларининг иши юзасидан Афғонистон Республикаси ҳарбий трибунали қарорини эълон қилди. Улар орасида Афғонистоннинг собиқ бош министри М. Ҳ. Мейвандвал (у қамоқда ўз-ўзини ўлдирган эди), Нагарҳар вилоятининг собиқ губернатори Хон Муҳаммад бор. Бир қанча кишилар, шу жумладан ҳарбий-ҳаво кучларининг собиқ қўмондони генерал Абдул Раззоқ умрбод қамоққа ҳукм қилинди, саккиз киши 4 йилдан 15 йилгача муддат билан қамоққа ҳукм қилинди.

БЎҒОЗДА ТЎҚНАШУВ

СИНГАПУР, 25 декабрь. (ТАСС). Кеча Малакка бўғозида Сингапурдан 3 километр жануброқда икки юк кемаси бир-бири билан уришиб кетди. Сингапур порти вакилининг айтишича, Японияннинг 3 минг тонна юк кўтарадиган «Терусима мару» кемаси тўқнашувдан атиги 7 минут ўтгач ғарқ бўлган. Унинг экипажидаги 22 аъзосининг ҳаммаси қутқариб қолинган. 7,5 минг тоннадан зиёд юк кўтарадиган ва Либерия байроғи остида сузувчи бошқа бир «Изабелла» кемаси тешилгани билан чўкмаган.

АХБОРОТ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Эзгулик

Яхшилар ҳақида ҳар қанча гапирсанг оз. Ижодкор халқимиз бу ҳақда «Ёмғир билан ер кўнгил, яхши билан эл кўнгил» деб бежиз айтмаган, албатта. Эсланг-а, шифокор шунчаки қараганда, оддий бир инсон бўлиб кўринади. Аслида-чи, халоскор, мададкор, фидокор ва ижодкор. У инсон саломатлигининг посбони. Беморга унинг назари тушдими, бутун билими, қобилияти ва тажрибасини ишга солади.

Худди шундай масъулиятли ва шарафли касб эгаси Махсудахон Фозиловани фахр билан тилга олса арзийди. У ўз касбини жонидилидан севади. Унга ихлос билан қарайди, ижодий ёндашади.

У 1955 йилда медицина техникумини битиргач, фельдшер бўлиб ишлади. Сўнг Андижон медицина институтининг даволаш факультетини тамомлади. Ҳозир Махсудахон Тошкент шаҳар «Тез ёрдам» станциясида врач бўлиб ишлаяпти. У жуда камтар ва хушмуомала. «Дарахт япроғи билан, инсон меҳнати билан гўзал» деганларидек, Махсудахон ҳам ўзининг халол меҳнати эвазига ҳурмат топди. Халқ тилидан тушмайдиган бўлиб қолди.

Шифокор номига ёзилган илиқ сўзлар ва юрагидан айтилган яхши тилаклар фикримизнинг далили. Октябрь районидаги Озодлик кўчасида турувчи М. Расулова «Қаддимни буккан дарддан халос бўлдим. Раҳмат сизга, шифокор қизим!» деса, Ҳамза район, Сломина кўчаси, 4-уй, 28-квартирада яшовчи Ульяна Карповна Елунина Киров район, Неверова кўчаси, 2-уйда турувчи, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси М. Абдумаликов, Собир Раҳимов район Хуршид кўчасида истиқомат қилувчи Л. Ю. Пелдинлар ҳам шифокорга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

В. АКБАРОВ.

Отахонлар мамнун

Кенсаларга мўлжалланган махсус пансионатда дам олаётганлар кўрсатилаётган хизматдан мамнун. Тошкент областининг Бўстонлиқ районидаги Товоқсой поселкасида жойлашган бу оромгоҳда ишлаб чиқариш илғорлари, ветеранлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, шунингдек кенсалик гаштини сураётган пенсионерлар дам олишади.

Бу ерга ташриф буюрганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари ибратли йўлга қўйилган. Тажрибали врачлар ва ҳамширалар дам олувчиларнинг саломатлигини кун сайин кузатиб турмоқда. 26 кунлик дам олиш кезлари Чорвоқ ГЭСи, Чирчиқ шаҳри В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалига ва бошқа жойларга экскурсиялар уюштирилади. Мириқиб дам олиш учун шароитлар муҳайё. Турли мавзуларда суҳбат ва лекциялар уюштириб турилади.

Ш. РАЖАБОВ.

Туристик сафар

Хатирчи районининг илғор механизаторлари, бригада ва звено бошлиқлари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларидан иборат 30 киши туристик йўлланма билан Ватанимизнинг Москва, Одесса, Ялта, Севастополь шаҳарлари ҳамда Болгария, Руминия ўй олдилар.

М. СИДДИҚОВ.

Биринчи тракторчи

Яқинда Шўрчи районининг биринчи тракторчиси Тимофей Дмитриев ўзи туғилиб ўсган Куйбишев шаҳридан Шўрчига келди. Кенса революционер, 1929 — 1942 йиллар шу районда яшаган эди. У «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, колхоз ва совхозларда бўлиб, ўзи биринчи марта трактор билан ишлов берган далалар, босмачиларга қарши кураш кезлари, коллективлаштириш даврида бирга бўлган жанговар дўстлари, илк марта трактор ҳайдашни ўрганган ветеран механизаторлар билан учрашди.

М. БОБОМУРОДОВ.

Чўпон номидаги кўча

Бухоро шаҳридаги юзлаб кўчалар революционерлар, ёзувчилар, композиторлар, олимлар номи билан аталган. Яқинда шаҳарнинг катта бир кўчасига томдилик чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жабай Балиманов номи берилди.

Чили халқининг қаҳрамонона курашини хотирлаб, шаҳарнинг 3-микрорайонидаги яна бир кўчанинг номи шоир П. Неруда деб аталди.

Р. ТАЧКИН.

Янги спектакль

Максим Горький номидаги Фарғона область музикали театр коллективи Ҳамза Умаровнинг «Ер юрган кўчалар» номли пьесасини саҳналаштирди. Икки парда, беш кўринишли бу спектаклга М. Мансуров режиссёрлик қилмоқда.

К. МАДУМАРОВ.



Спорт базаларида

ЧИМЁН ҚИЯЛИКЛАРИ...

Тоғ ўнғирлари оқ чойшаб ёпгандай. Оқ салла ўраган ҳайбатли қоялар тағин салобатли тус олган. Момиқ қор оёқ остида ғичирлайди. Енгил изғирин кезади. Олисларда арча дарахтлари қорайиб турибди. Қишнинг сўлим ва кўркам манзараси. Бу ер Чимён...

Чимён боғри, тоғ қияликлари чанғи, чана отиш шайдолари билан гавжумлашиб қолди. Айниқса, дам олиш кунлари ёшларнинг шодон кулгилари янграяпти. Турли мусобақалар ўтказилиши спортнинг қишки турига ҳавас қўйганларга завқ бағишламоқда. Бу ерга одамлар дам олиш учун, келади, қорбўрон ўйнайди. Мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олади. Осма арқон йўл билан юқорига кўтарилишнинг гашти ўзгача. Изсиз қор майдонларига сўқмоқ йўл солаётганлар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Чимён боғрига Тошкент областининг турли шаҳарларидан ва пойтахтлик йигит-қизлар ташриф буюришга одатланишган.

Тошкент область туризм ва экскурсиялар совети меҳнаткашларнинг дам олиб, маданий хордиқ чиқаришлари учун қулайликлар яратишда янгидан-янги ҳайрли ишларга кўл урмоқда. Йил мобайнида саёҳатсеварлар республикамизнинг баҳаво, манзарали оромгоҳ ерларида дам олиб қайтдилар. Тоғ ёнбағирлари, шўх оқар дарё бўйлари, ўлкамизнинг энг кўркам, серфайз ерларига экскурсиялар уюштирилди. Область туризм совети шаҳарликларнинг қишки дам олишларининг мароқли ва мазмунли бўлишига ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Ҳозир шанба ва якшанба кунлари ўн мингга яқин киши хордиқ чиқаришн учун жой ҳозирлаб қўйилган. Чимёндаги мавжуд бир километрли осма арқон йўл яна 400 метрга узайди. Арқон йўлнинг янгиси асосан чанғи учишни энди ўрганаётганларга мўлжалланган. Ҳали чанғида юқори кўтарилишни ёки жуда баланддан учиб тушишни эплай олмайдиганлар энди қўшимча йўлдан фойдаланишлари мумкин. Чанғи отиш учун мўлжалланган қияликлар ҳам спортчиларнинг дидига мос.

Область туризм ва экскурсия совети меҳнаткашларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, яна 800 жуфт чанғи ва бошқа турли спорт инвентарларн ҳозирлади. Буларни «Чимён» спорт базасига қарашли ижара пунктларидан олиш мумкин. Янги йилдан бошлаб, тағин 200 кишилик қишки ошхона хизмати йўлга қўйилади.

Дам олувчиларга транспорт хизмати кўрсатиш ҳам намунали бўлади. Шанба ва якшанба кунлари эрта саҳардан Тошкентнинг катта майдонлари ва автобус станцияларида «Тошкент—Чимён» маршрути бўйича машиналар қатнайди. Иноқилоб ҳиёбони, «Самарқанд» автостанцияси, Чилонзор, Студентлар шаҳарчаси, Шастри кўчаси ва бошқа ерларда Чимёнга йўл олувчи автобуслар хизматидан фойдаланиш мумкин.

— Дам олиш кунлари, — дейди область туризм ва экскурсия советининг катта инструктори В. Руденко, — Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳам экскурсиялар уюштирмоқдамиз. Корхона ва маҳаллалардан тушаётган буюртмаларни навбатга олиб экскурсиялар маршрутини кенгайтиряпмиз. Чимёнда мириқиб дам олиш масаласи ҳам меҳнаткашларнинг бизга йўллаган бирдан-бир истак ва таклифларидан эди. Ўйлаймизки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз уларнинг талабларига мос бўлиб тушади.

Б. ПЎЛАТОВ.

Катта Чимённинг ёнбағирлари ҳозир жуда ҳам хушманзара бўлиб кетди. Бу ерда саёҳатчилар ўзларининг бўш вақтларини ўтказмоқдалар. Суратда: Катта Чимённинг юксакликларига чиқиш учун ўрнатилган осма йўл тасвирланган.

А. Варфоломеев фотоси. (АПН).

„ОТАЛИҚ ЁРДАМИ“ ЭМИШ

Ажаб савдолар

«Оталиқ ёрдами»ни сиз қандай тушунасиз? Сиз, албатта, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқалари ҳақида кўп эшитгансиз. Балки ўзингиз ҳам бу ажойиб анъаналарда бевосита иштирок этаётгандирсиз. Шаҳар меҳнаткашлари дастурхонини ёзуқиш нозу-неъматларга тўкин-сочин қилганлар қишлоқдаги олтин қўллар эмасми? Бошингизга иш тушганда дўстингиз асқотади. Шаҳарлик дўстлар ҳам қараб туришгани йўқ. Қишлоқдаги биродарларни қудратли техникалар билан таъминлаб, деҳқончиликнинг тиғиз кунларида белни маҳкам боғлаб, улар билан елкама-елка турганлар ким? Шаҳарлик дўстлар, албатта.

Тошкент шаҳридаги «Ташсантехгазмонтаж» трести ҳам ишчи-деҳқон дўстлари анъаналарига содиқлигини намойиш қилиб, Калинин районидаги «Хасково» (собиқ 1-«Назарбек») совхозини оталиққа олди. Бу ажойиб ташаббус Тошкент шаҳар партия комитети томонидан маъқулланди. Республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги томонидан қувватланди. Бундан мамнун бўлган совхоз деҳқонлари трест коллективини ўз маҳсулотлари билан йўқлаб туришди. Ёзни-ёз, қишни-қиш демай бу ерга нозу-неъматларнинг гули арзон нархларда сотилиб турди. Кунлардан бир кун трест раҳбарлари ҳам ўз «оталиқ бурчи»ни ўташга киришмоқчи бўлдилар. Совхозга сим қоқилди:

— Биздан қандай ёрдам керак? — сўради трест бошқарувчиси Султон Хўжамов.

— Э, раҳмат биродарлар. Агар имкони бўлса битта теплица қуришимизга ёрдам берсангиз...

— Теплица нима деган гап? Ахир биз оталиқ ташкилотимиз, каттароқ ёрдам сўранг. Қурамиз, қурганда ҳам қойиллатиб қурамиз. Мен бош инженерга топшираман, ҳаммасини ҳал қилади.

— Биздан қандай ёрдам керак? — совхозга сим қоқиб қолди ўз навбатида трест бош инженери Николай Григорьевич Жуков.

— Агар малол келмаса битта теплица қурилишига... Пулимиз, маблағимиз тайёр...

— Пулингиз нимаси, биз оталиқ ташкилотимиз! Қурамиз. Шундай теплица қурамизки, атроф қўшниларингиз ҳавас қилсин! Мен қурилиш бошқармаси бошлиғини юбораман, ҳаммасини ҳал қилади.

Шу суҳбатлардан сўнг оталиқ ташкилотининг вакили — «Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли «Газмонтаж» қурилиш бошқармасининг бошлиғи Г. В. Аванесов совхозга ташриф буюрди. Совхоз вакиллари ўз «отахонлари»ни шоду-хуррамлик билан кутиб олишди.

— Биздан қандай ёрдам керак? Теплицами? Биттами? Жой кўрсатинг, қаердан қурайлик? — сўради оталиқ ташкилотининг вакили.

— Мана шу парник ёнидан қурилса яхши бўларди-да, — деди совхоз раҳбарлари Г. В. Аванесовни парник ёнига бошлаб бориб.

— Жуда қулай жой! Лекин теплица бўлгач парник нима керак? деди оталиқ ташкилотининг вакили.

— Теплица битгунча парникда кўчат етиштириб турамиз, — дейишди деҳқонлар изоҳ бериб.

— Нима, теплица битишига шубҳа бормоқ қараяпсизми? Оталиқ ташкилотининг гапи -гап. Икки ой ичида мана шу парник ўрнида дангиллама теплица тайёр бўлади. Ҳам теплица — ҳам парник, комплекс мақсадларда фойдаланишингиз мумкин. Бунақаси Узбекистонда, ҳатто мамлакатда ягона. Қўшнилар ҳавас қилсин! Хих-хих-хих!..

— Теплица алоҳида, парник алоҳида бўлаверсин, — деди совхозгадилар илтижо билан.

— Кўзимга мана шу жой яхши кўриниб қолди, — деди ўртоқ Аванесов. — Офтобга қулай экан. Демак, розимисиз?

— Розимиз, албатта, розимиз... Лекин шартнома тузиб қўйсак яхши бўлармиди?

— Шартнома? Нима, сиз оталиқ ташкилотига ҳам ишонмайсизми? Ўз отангизга-я? Биз ахир бегона одамлар эмасмиз-ку, шартлашиб партлашиб ўтирсак? Сизга теплица керакми ёки шартнома?

— Теплица керак, албатта, теплица...

Шундан сўнг 1972 йилнинг июнь ойида «Газмонтаж» қурилиш бошқармаси «оталиқ ёрдами»ни анъаналарига биноан «Хасково» совхозида бир гектарлик парникни бузиб ташлаб, ўрнида улкан теплица қурилишини бошлаб юборди. Бир гектарлик парник ўша шароитда йилига 1 миллион 250 минг туп турли хил сабзавот (помидор, бодринг, бақлажон, карам ва ҳоказолар) кўчати етказиш имкониятини бериб турарди. Фақат кўчат ҳисобида совхоз йилига 100 минг сўм даромадга эга эди. Бу кўчатлар ҳосил сифатида эса йилига 7 минг тонна сабзавот, ҳосил даромади сифатида бу 1 миллион сўмни ташкил этарди...

Бироқ «мамлакатда ягона» бўладиган янги теплица олдида бу даромад кўзга кўринмасди, албатта. Ахир янги теплица бу даромадни ўн баравар ошириш имконини бермайдими? Бунинг устигига теплица шаҳар аҳолисини йил бўйи узлуксиз сабзавот билан таъминлаш имконини туғдирмайдими, 1 килограмм помидор ёзда 10 тийин бўлса, қишда 2 сўм, 3 сўм. Бай-бай-бай, даромадни ўзингиз чақиб олаверинг!

«Оталиқ ёрдами» бошланиб кетди. Ҳаш-паш дегунча парник теп-текис бўлди. Бузиш қандай осон-а? Лекин оталиқ ташкилоти учун қуриш ҳам ҳеч гап эмасди. Ҳадемай бўлажак теплицанинг қомати кўзга ташланиб қолди. «Яшасин оталиқ ташкилоти!» деб чапак чалиб турган совхоз деҳқонларининг қўллари ҳавода муаллақ қолди. Қурилиш бошига Г. В. Аванесов келиб қолди. Деҳқонлар уни аввалгидан ҳам хушчақчақ қарши олишди. Бироқ, Аванесовнинг чеҳраси ёришмай турарди.

— Йил охирлаб қолди, — деди оталиқ ташкилотининг вакили афсусланғи оҳангда. — Баъзи жойларда айрим чала ишларимиз бор. Бизга бир фурсат жавоб берсангиз, азизларим. Сизлар ўзимизнинг одам-ку, ахир...

1972 йил охирида «оталиқ ташкилоти»нинг фаолияти ярим йўлда тўхтади. Совхоз вакилларидан кимки уларни излаб, арант топиб, илтижо қилар экан, битта жавоб олиб қайтаверди: «Сизлар ўзимизнинг одам-ку, ахир, бир оз сабр қилинглар. Сабр туби — олтин!».

Ўтган қишда чала қолган қурилишдан на теплица, на парник ўрнида фойдаланиб бўлди. Деҳқонлар анча-мунча даромаддан маҳрум бўлдилар. Қиш ўтди, баҳор ўтди, оталиқ ташкилотидан дарак йўқ эди. Ёз келди... Совхозда яна ёзги мева-чева, сабзавот мўл бўлди. Теплица ва парникнинг ўрни бир муддат билинмай қолди. Шунда «Хасково»да чала қолган теплица қурилиши оталиқ ташкилотидаги ўртоқларнинг ёдига тушиб қолди.

— Биздан нима ёрдам керак? — сим қоқиб қолишди трест раҳбарлари.

— Илтимос, «ота»жонлар, чала ишингизни битказиб беринг, — илтимос қилишди совхозгадилар.

Оталиқ ташкилотининг вакили ўртоқ Аванесов орадан бир йил ўтгач яна совхозда пайдо бўлди.

— Оталиқ ўз йўлига, — деди совхоз вакиллари бироз гинахонлик билан. — Қани энди бир ҳисоб-китоб қилиб олайлик, «ота»жон.

Ниҳоят қурилиш бошланганидан бир йил ўтгач, 1973 йил 18 июнь куни «Газмонтаж» қурилиш бошқармаси билан «Хасково» совхози ўртасида теплица қурилиши учун 102 минг сўмлик шартнома имзоланди. Шу шартномага кўра белгиланган пул бошқарма кассасига келиб тушаверди. «Теплица энди битиб қолар, шартнома қонун кучига кирди. Утган йил ютқазган даромадни бу йил қоплаб кетсак ажаб эмас» деб хаёл сурардилар совхоз раҳбарлари. Лекин ҳар каллада ҳар хаёл эди. Оталиқ ташкилоти бошқачароқ режа билан яшарди: «1973 йил ҳам охирлаб қолди. Чала объектларимиз кўп. Ишлар ҳамма жойда баравар ўлдаж-ўлда қолиб кетган. Теплицадан тўрт-беш йил олдин бошланган анча-мунча «қари-қартанг» қурилишлар бор. Совхозгадилар ўзимизнинг одамлар-ку, ахир...» Қисқаси бир томон тоғда, бир томон тоғда юрарди.

Мана 1973 йил ҳам охирлаб қолди. Лекин «Хасково» совхозида бошланган теплица қурилиши битиш ўрнига нураб боряпти. Совхоз директори Маннап Расулов, бош бухгалтер Ҳаким Азимов ўртоқлар икки йилдан буён «оталиқ ташкилотларига қатнайвериб оворагарчиликдан бўлак оқибат кўрмадилар. Совхоз деҳқонлари 1974 йилда шаҳар аҳолисига (шу жумладан оталиқ ташкилотига ҳам) карийб 7 минг тонна сабзавот етказиб бериш мажбуриятини олишган. Мажбурият ҳисси уларни жиддий ташвишлантирмоқда. Ахир улар «оталиқ ташкилот»нинг ваъдасига, қоларса қонун кучига эга бўлган меҳнат шартномасига ишонишган эдиа! Эндиликда эса: «Оталарча ёрдам дастидан дод!», дейишдан ўзга илож қолмади.

Бундай «оталиқ» бизнинг умумий ишимизга, жамият манфаатларига мутлақо зид албатта. Бу «оталиқ» эмас, балки кўриниб турган бебошлик, алдоқчилик, меҳнат қонунларини қўпол бузишдир. Бироқ бизда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ўзаро ҳамкорлик-биродарликка асосланган дўстлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётган оталиқ ташкилотлари ҳам жуда кўп. Уларни санашга ҳожат йўқ, бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Бу қутлуғ анъана шубҳасиз давр талаби, замон тақозоси. Бироқ Тошкент шаҳар партия комитети ва республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги камдан-кам бўлса-да учраб турадиган «оталиқ» ниқобидаги бундай кўнгилсиз воқеа ва унинг оқибатларига чек қўйишлари лозим.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Қарор бекор қилинди

Фориш районидаги «Фориш» совхозида яшовчи Фотима Тожиева Пахтакор районида яшовчи эри Шакар Тожиев билан ажралиш ҳақидаги гражданлик ишлари Пахтакор район халқ суди томонидан нотўғри кўрилганлиги сабабли суд қароридан норози бўлиб редакцияга ёзган аризаси текшириш ва чора кўриш учун Сирдарё область судига юборилганди. У ердан олинган жавобда айтилганича, Ф. Тожиеванинг аризасига биноан гражданлик иши область судида ўрганиб чиқилгандан сўнг унинг раиси район халқ судининг қарорига эътироз билдирган. Область прокурори эса бу эътирозни қувватлаган.

Район халқ суди икки ўртадаги никоҳни бекор қилиш ҳақидаги ишни кўрганида «Узбекистон ССР никоҳ ва оила Кодекси»нинг 47-моддаси талабларини бажармаган. Никоҳни бекор қилар экан, бунга сабаб бўлган низо ва ажралиш сабабларини аниқламаган. Юқоридагиларга асосан область судининг президиуми эътирози қондириш, Пахтакор район халқ судининг қарорини бекор қилиш ва ишни қайта кўриб чиқиш учун бошқа район халқ судига юборишни лозим топган.

Вазифасидан бўшатилди

Редакцияга келган хатларнинг бирида Қоракўл районидаги М. Горький номли колхозининг раиси С. Имомов хўжаликка раҳбарлик қилишнинг уддасидан чиқмаётганлиги, ишлаб чиқариш тўғри ташкил этилмаганлиги сабабли пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлиги ҳамда ялпи ҳосили камайиб кетгани, оқибатда даромад озайиб, хўжалик иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб қолгани кўрсатилганди.

Қоракўл район партия комитети хат юзасидан текшириш ўтказганида, унда келтирилган фактлар тасдиқланган. Ҳақиқатда колхоз правленеснининг раиси С. Имомов ўзига бидирилган ишончни оқламаган. У хўжаликка малакали раҳбарлик қилолмаган, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этолмаган, пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини ҳамда ялпи ҳосилини ошириш тадбирларини белгилаш ва амалга оширишнинг уддасидан чиқмаган. Оқибатда маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган планлар бажарилмаган. Бу ҳол даромаднинг камайиб кетишига, хўжалик экономикасининг заифлашишига олиб келган.

Юқоридагиларга асосан колхозчиларнинг умумий йиғилиши С. Имомовни правление раиси вазифасидан бўшатган.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Тележурнал. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.25 — «Ахборот». 19.40 — Ўн минут музика. 19.50 — Ленинград области Ватанга рапорт беради (Москва). 20.40 — Муқобил план имкониятлари. 21.10 — «Ахборот». 21.30 — Озарбайжон санъат усталарининг концерти. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ҳаётга қайтиш (бадиий фильмнинг 2-серияси). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.30 МОСКВА. 19.10 — Жаҳон халқлари ижоди. 19.50 — Концерт. 20.30 — Врач маслаҳати. 20.40 — Телеспектакль. 22.00 — «Фан» программаси (Тошкент). 22.30 — Дўстлар меҳри. 23.15 — Рақслар зали. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 20.30 — Балет кечаси. 21.00 — Аршин мололан (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/XII да **Марварид изловчилар**, 27/XII да **Кармен-сюита, Ойим қиз ва безорн.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/XII да **Ой тутилган тунда**, 27/XII да **Табассум ўғрилари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/XII да **Ажаб савдолар**, 28/XII да **Ҳалима.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЕШ ҚАЛБЛАР» коллективининг гастроллари.

КИНО

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қора қирол муаммоси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (тоқ соатларда)

Ринг — ҲАМЗА номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат алангаси (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КЎКЧА», Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Синган тақа — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Мен — Шаповалов (тоқ соатларда). **Жавоҳир малиҳасига ҳужум** (жуфт соатларда): — «ДРУЖБА»

Сайҳа — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Ўғай она — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Узбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг аҳолиқ тузатиш-меҳнат муассасалари бошқармаси

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ МАКТАБЛАРИГА

1974 ЙИЛ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

РЯЗАНЬ ва ТОШКЕНТ олий мактаблари; БАРНАУЛ, ВЛАДИМИР, ТОШКЕНТ ва УФА ўрта мактаблари.

РЯЗАНЬ ВА ТОШКЕНТ ОЛИЙ МАКТАБЛАРИДА УҚИШ МУДДАТИ — 4 ЙИЛ.

ЎРТА МАКТАБЛАРДА — 2 ЙИЛ.

Олий мактабни тугатганларга юқори малакали юрист ихтисоси; ўрта мактабни тугатганларга ўрта малакали юрист ихтисоси тўғрисида диплом берилади.

Мактабни тугатганларга «ички хизмат лейтенанти» унвони берилади.

Мактабларга 30 ёшгача бўлган, зарурий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган, тўлиқ ўрта маълумотли, соғлиғи жиҳатидан МВД кадрлари хизматига яроқли деб топилган йигитлар қабул қилинади.

Уқишга кирганлар ётоқхона, овқат, кийим-бош, 40 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-5, Куйбишев шоссеси, 25-уй, 249-хона, кадрлар бўлими.

Янги китоблар

«Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китоб ва брошюраларни босмадан чиқарди.

Маърифат Саъдиева. КРУПСКАЯ ПОЛИТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ ҲАҚИДА. 40 бет, тиражи 14.619, баҳоси 6 тийин.

В. Абдуллаев. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЛЕНИНЧА МАДАНИЙ РЕВОЛЮЦИЯНИНГ ТАНТАНАСИ. 36 бет, тиражи 15.619, баҳоси 6 тийин.

Т. Умаров. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ-УМУМХАЛҚ ИШИ. 28 бет, тиражи 16.429, баҳоси 6 тийин.

С. Қодиров, Л. Эргашев. ИЗЛАРИНГНИ ИЗЛАЙМАН. 109 бет, тиражи 20.000, баҳоси 15 тийин.

Н. Ҳакимов. КИНО САНЪАТИ ВА ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ. 38 бет, тиражи 24.717, баҳоси 6 тийин.

С. Йўлдошев. ИЛМ — МУАММОЛАР ҚАЛИТИ. 56 бет, тиражи 10.000, баҳоси 8 тийин.

Т. Каримов. РЕАЛ ОЛАМ НИМА? 24 бет, тиражи 8.759, баҳоси 4 тийин.

П. Мансуров. ДИФФУЗИОН ҲОДИСАЛАР МУҲЖИЗАСИ. 24 бет, тиражи 9.465, баҳоси 4 тийин.

П. Қодиров. КАСАБА СОЮЗЛАР — ХАЛҚ ҲИЗМАТИДА. 166 бет, тиражи 5.000, баҳоси 21 тийин.

А. Тожибоев. РЕЗЕРВЛАР — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ. 104 бет тиражи 10.000, баҳоси 17 тийин.

А. Шонров. ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТКАЗИЛГАН СОВХОЗЛАРНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИ. 102 бет, тиражи 5.000, баҳоси 19 тийин.

СПОРТ янгиликлари

ГИМНАСТИКА. 1973 йилнинг энг яхши гимнастикачиси деб икки спортчи тан олинди. Бундай шарафли номга Ростов-Дон шаҳридан Людмила Турищева» билан владимирлик Николай Андрианов-лар муяссар бўлишди. Ҳар икки гимнастикачининг йил давомида қўлга киритган ютуқлари тренерлар, судьялар, журналистлар ва спорт мутахассислари томонидан юқори баҳо олди. Номдор спортчиларга «Советская женщина» ҳамда «Молодой коммунист» журналларининг совринлари топширилди.

ХОККЕЙ. Эртага Американинг Колорадо-Спрингс шаҳрида анъанавий халқаро турнирга старт берилади. Мухлисларда катта қизиқиш уйғотаётган турнир учрашувлари икки шаҳар — Колорадо—Спрингс ҳамда Миннеаполисда ўтказилади. Бу шаҳарлардаги стадионларнинг бири беш минг, иккинчиси 15 мингдан зиёд томошабинга мўлжалланган. Турнирда уч мамлакат — СССР, Канада ва ЧССР командалари куч синашади. Совет хоккейчилари дастлабки учрашувни 28 декабрда Канада командаси ўйинчилари билан ўтказадилар. Хоккей мутахассислари ҳамда мухлислар ҳозирча Совет командасига юқори баҳо бериб туришибди.

Тошкентнинг «Биноқор» командаси қарийб бир ой давомида сафар ўйинлари ўтказди. Хоккейчиларимиз охирги учрашувни Николаев шаҳрида ўтказдилар. Маҳаллий «Спартак» коллективи билан бўлган мазкур ўйинда аввал меҳмонлар 6:1 ҳисобида галаба қилдилар, такрорий учрашувда эса майдон эгалари (3:1) устунликка эришишди.

КУРАШ. Воронежда «Локомотив» кўнгилли жамияти марказий Совети биринчилиги учун классик кураш бўйича мусобақалар ўтказилди. Беллашувларда тошкентлик А. Гришко зафар қучди. У ўз вазнига кўра фахрий супанинг юқорисига кўтарилиб, «СССР спорт мастери» унвонига лойиқ маҳорат кўрсатди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ КЕЧКИ-СИРТҚИ ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

7 ЯНВАРДАН — 28 ЯНВАРГАЧА

сиртдан ўқувчи 4—5—6 курс студентлари учун

ҚИШКИ ИМТИҲОН СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ♦ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 02951. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 302.